Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 203 (20. 470) • 1989 йил 3 сентябрь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

Қадрли қишлоқ меҳнаткашлари!

● Республикамизда олтин куз бошланди. Бу фасл мева-сабзавот маҳсулотларини ўз вақтида йиғиштириб олишни талаб этади. Ғанимат кунлардан фойдаланиб, барча ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиб, эл дастурхонига етказиб берайлик.

● Пахта ҳосили табиий офатлар туфайли одатдагидан анча кеч етиляпти. Бу пахтакорлардан астойдил меҳнатни талаб этади. Ғўза парваришини кучайтириш билан бирга йиғим-теримга пухта ҳозирлик кўрайлик.

● Пахтазорларни бегона ўтлардан тозалаш, хирмонжойларни ва тош-тарозиларни тахт қилиб қўйиш шу куннинг долзарб вазифаси. Миришкор деҳқонлардан ўрнак олиб, барча техника воситаларини мавсумга созлаб қўяйлик. Шундагина йил бўйи пешона тери эвазига етиштирган пахтамизнинг нобуд бўлишига йўл қўймаймиз.

● Дефолиацияга қизғин ҳозирлик кўриш муҳим ишдир. Бу ишни кечиктирган пахтакор ҳосилдан ютқазади, унинг сифатини бой беради. Шунинг учун ҳам бу ишни кечиктирмай ўтказишни таъминланг.

● Дала шийпонларида пахтакорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, далада ишлаётганларнинг аҳволидан хабар олиб туриш, уларга иссиқ овқат, чой тайёрлаш, маданий-маиший хизмат кўрсатишни таъминлаш партия, хўжалик ва касаба союз ташкилотларининг бугунги кундаги долзарб вазифаси.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

ПАХТА ПУНКТИ МАВСУМГА ТАЙЁР

Поп районидаги «Хўжабод» пахта қабул қилиш пункти районда биринчилардан бўлиб янги ҳосилни қабул қилишга тайёрлаб қўйилди.

Қисқа вақт ичида 21 транспортёр, шунча пахтани узатувчи агрегат, 9 та пахтадаги намни кетказувчи вентилятор, 31 та ғарамлаш майдонлари, 330 та бунт устига ёпиладиган брезент, ёнғинга қарши курашиш асбоб-ускуналари ва бошқа зарур нарсалар сифатли ремонтдан чиқарилди.

Бу муҳим ишни амалга оширишда Абдусалом Тожибоев бошлиқ бригада коллективи алоҳида намуна кўрсатди. Бу йил қабул пункти ишчи-хизматчилари райондаги «Правда», «Ленинград», «Дўстлик» совхозлари пахтакорларидан 12700 тонна пахта қабул қилиб оладилар.

С. ҚУЧҚОРОВ.

МАШИНА ТЕРИМИ — ИШ УНУМИ

Қизилтепа район заршунослари бу йил 3870 гектар майдондаги пахта ҳосилини машиналар ёрдамида териб олишни кўзлаб туришибди.

Ана шу майдонлардаги ғўзалар ер усти аппаратлари ёрдамида дефолиация қилиниши керак. Шу мақсадда 58 та ОВХ пуркагичлари тайёрлаб қўйилди.

Шунингдек, хўжаликларда ишлатиладиган 180 та теримагрегатлари созланди. Машина теримига тайёргарлик кўришда Навоий номли, Ленин номли, «Бухоро», «Москва» колхозларининг миришкорлари алоҳида ибрат кўрсатишяпти.

Б. МАНСУРОВ.



МАВСУМГА ШАЙ

Шу кунларда республикамизнинг қайси пахтакор хўжалигига борманг, терим мавсумига пухта ҳозирликнинг устидан чиқасиз. Илғор хўжаликлар мавжуд пахта териш машиналарини, кўрак териш ва чувиш агрегатларини шайлаб қўйган. Шунга эришган хўжаликларнинг ошиғи олчи бўлиши табиий.

Фарғона область Риштон районидаги А. Навоий номли совхозда ҳам бу ишлар кўнгилдагидек олиб борилмоқда. Хўжаликда бу йил жами 1755 гектар майдонга чигит экилган. Деҳқонлар ниҳолларини баҳорда юз берган совуқлардан асраб қолишди. Ёз бўйи меҳр билан парвариш қилишди. Натижада барча майдонларда мўл ҳосил етиштирилди. Бугунги кунда ҳар бир туп ғўзада 10—11 тадан кўсак ва 5—6 тадан очилган пахталарни кўриш мумкин.

Эрта-кунди барча майдонлар лўппи-лўппи очилган оппоқ пахталарга тўлади. Бу ўз-ўзидан маълумки, деҳқонни шошириб қўйиши мумкин. Хўжалик миришкорлари эса бу ҳосилнинг асосий қисмини «зангори қема»лар бункеридан тўкишга аҳд қилишган. Уларнинг нияти бу йил она —Ватанга топшириладиган 5400 тонна «оқ олтин»нинг қарийб 3700 тоннасини машиналар бункеридан тўкиш. Улар шу мақсадда ғўзаларни машина теримибоп қилиб ўстиришди. Барча майдонлар бегона ўтлардан тозаланди. Хирмонжойлар ва тош-тарозилар тахт қилиб қўйилди.

Миришкорлар техника—деҳқон қаноти, деб бежиз айтилмаслигини яхши биладилар. Шу мақсадда ҳозиргача 40 та терим машинаси, 5 та кўрак териш, 12 та кўрак чувиш агрегатлари, 7 та юк ортувчи мослама, 74 та тележка сифатли ремонтдан чиқарилиб, старт чизиғига келтириб қўйилди. Бу ишларни амалга оширишда илғор слесарь Абдуллажон Абдураҳмоновнинг улуши катта.

Суратларда: 1. Хўжаликнинг илғор слесари Абдуллажон Абдураҳмонов ҳамда старт чизиғига келтириб қўйилган техникаларни комиссия аъзолари қабул қилиб олишмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ суратлари.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

2 сентябрь куни Тошкентда республика партия фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш юзасидан Ўзбекистон партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов доклад қилди.

Ҳозирги даврнинг мисли-сиз қалтислиги ва мураккаблиги республикада интизом ва қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан чуқур, холисона таҳлилни, пухта ўйланган ва айни вақтда қатъий чоралар кўришни талаб қилади, шундай қилинмай туриб, кўп йиллар давомида йиғилиб қолган иқтисодий, социал ва сиёсий муаммоларни мутлақо ҳал этиб бўлмайди, дейишди докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда жиноятчилик жуда қўпайиб кетганлиги ҳаммага яхши маълум. КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш учун ўз вақтида партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари кўп иш қилдилар. Бу эса республикадаги вазиятни барқарорлаштириш учун муайян омил бўлди. 1987 йилдаёқ қайд этилган жиноятларнинг умумий миқдори шундан аввалги йилга нисбатан 8,8 фоиз, оғир турдаги жиноятлар эса қарийб 20 фоиз камайди.

Бироқ бу покланиш жараёни кейинчалик сусайиб қолди. Партия комитетлари, давлат ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари хотиржамликка берилиб кетдилар, ишдаги ғайратни сусайтирдилар, вазиятни идора қилиш ипларини йўқотиб қўйдилар. Мана шуларнинг оқибатида жиноятчилик анча кўпайди.

Чунончи 1988 йилда содир этилган жиноятлар миқдори 5,6 фоиз, Қорақалпоғистон АССРда, Наманган ва Фарғона областларида 15—24 фоиз кўпайди Бу йил аҳвол ёмонлашди. Етти ойнинг ўзида жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,9, оғир жиноятлар эса 34 фоиз кўпайганлиги қайд этилди.

1988 йилнинг июнида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область партия комитетларининг зиммасига жиноятчиликка қарши кураш ва қонунбузарликнинг олдини олишнинг аҳволини чуқур таҳлил этишни, бу иш натижаларини эса ҳар бир партия комитетида, бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилиш, аҳволни яхшилаш учун ҳамма чораларни кўриш вазифасини юклаган эди. Аммо, бу иш ҳамма жойда ҳам қилинди, деб бўлмайди.

Фақат ўтган йилнинг ўзида Фарғона областида дружиначилар отрядидаги кишилар минг нафардан зиёдга камайди, тартибни сақлаш жамоат пунктларининг эса қарийб ярми ишламади. Андижон областида бултур дружиначилар 20 минг нафардан зиёдга камайди.

Вужудга келган вазиятга қараганда жиноятчилик — кўпчилик бўлиб киришилган тақдирда барҳам топиши мумкин бўлган иллат эканини гўё ҳамма унутиб қўйгандек бўлди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзи буни уддалай олмайди.

Бунинг устига, дейишди нотиқлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзи ҳам ҳозир унчалик яхши ишламаяпти. Милиция, прокуратура, судларнинг иши қаттиқ, аммо ҳаққоний танқид қилинди. Афсуски Ички ишлар министрлиги ходимлари, терғов ва текширув, прокуратура органлари ва судьяларнинг анчагина қисми оператив, холис ишламаяпти, олдиндан бичиб-тўқиб қўйиш, айблашга интилиш, гуноҳсизлик эҳтимоли принципига риоя этмаслик, ўз касб-корини мукаммал эгаллаб олмаслик каби камчиликларга йўл қўймоқдалар.

Кейинги бир ярим йилнинг ўзида айби исботланмаганлиги ёки жиноят составлари йўқлиги сабабли 400 киши оқланди. Уларнинг кўплари 1986 йилдан аввалроқ ноҳақ терғов ва текширишларга ҳамда судга тортилган эди. Аммо ҳозир ҳам «суд хатоси» деб аталган хатоларга тез-тез йўл қўйилмоқда. Ҳолбуки шу хатоларнинг ҳар бири инсон тақдирига дахлдордир.

Ҳозир ҳам терговлар ва текширувнинг сифатсизлиги, прокурор назоратининг қониқарсизлиги оқибатида қўпгина ишларни судлар янгитдан терговга қилишга қайтармоқдалар. Айни вақтда судьяларнинг узил-кесил қарор қабул қилишдан бўйин товлаши аниқ-равшан сезилмоқда. Шу боисдан ҳам улар ҳамма ишларнинг учдан бир қисмига яқинини сохта сабаблар билан қўшимча терговга юбормоқдалар. Суд ва терговларнинг ўзи ҳам қозир унчалик яхши ишламаяпти. Милиция, прокуратура, судларнинг иши қаттиқ, аммо ҳаққоний танқид қилинди. Афсуски Ички ишлар министрлиги ходимлари, терғов ва текширув, прокуратура органлари ва судьяларнинг анчагина қисми оператив, холис ишламаяпти, олдиндан бичиб-тўқиб қўйиш, айблашга интилиш, гуноҳсизлик эҳтимоли принципига риоя этмаслик, ўз касб-корини мукаммал эгаллаб олмаслик каби камчиликларга йўл қўймоқдалар.

Республика прокуратураси фаолиятини қайта қуриш суст бормоқда, бу ерда интизомни мустаҳкамлаш, уюшқоқлик ва тартибни ошириш имкониятларидан яхши фойдаланилмаяпти, масъулиятсизлик, лоқайдликка, расмиятчиликка барҳам берилмаган. Кўпгина шаҳар ва район прокурорлари ҳамда уларнинг ходимлари ўзларининг иш услуби, форма ва методларини ўзгартирганлари йўқ. Ички ишлар органлари ходимларининг ишида ҳам мана шундай камчиликлар бор.

Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар республика шаҳар ва қишлоқларида тартиб ўрнатишни пайсалга солиш ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан кўпгина йўқотишларга олиб бориши мумкинлигини айтиб ўтишди. Жиноятчиликка қарши кураш комплекс программасини ишлаб чиқиш таклиф қилинди. Бу ишга тажрибакор ҳуқуқшунослар ҳам, илмий кучлар ҳам жалб қилиниши керак.

Муайян кучлар қонунчиликни, тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга, экономикани соғломлаштиришга бундан буён ҳам қаршилик қилиш ниятида эканликларини қозир ҳамма тушуниб олмоғи керак. Демократик ўзгаришлардан кескинликни кучайтириш, вазиятни издан чиқариш учун, қайта қуриш ишига ишончсизлик туғдириш учун фойдаланишга уринаётганларнинг бу борада устун бўлиб чиқишига йўл қўйиб бўлмайди. Демократия — ҳокимиятсизлик ва бедодлик эмас, балки гражданларнинг ҳуқуқларини ва давлатнинг манфаатларини қатъий таъминлаш эканини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Шу сабабли йиғилиш қатнашчилари ҳар бир коммунистнинг тартиб, уюшқоқлик ва интизомни таъминлаш чора-тадбирларини оғишмай амалга ошириш учун шахсий жавобгарлигини кескин оширишни талаб қилдилар.

Докладни муҳокама қилишда республика прокурори Д. А. Усатов, Ўзбекистон ССР адлия министри Б. Ғ. Олимжонов, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри В. М. Камолов, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси А. С. Моргасов, Сурхондарё область ижроия комитети адлия бошқармасининг бошлиғи З. С. Катаева, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгашининг аъзоси — сиёсий бошқармаси бошлиғи А. И. Захаров, Самарқанд Темирйўл район партия комитетининг секретари С. М. Азимова, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг секретари Б. Юсупов, Бухоро область комсомол комитетининг биринчи секретари Х. Ж. Жумабоев қатнашдилар.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Республика партия фаоллари йиғилишининг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар М. И. Иброҳимов, Ғ. Ҳ. Қодиров, М. М. Мирқосимов, Ж. Ҳамидов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ МАСАЛАЛАРИ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Партия қайта қуриш давомида халқ хўжалигини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш вазифасини қўйди. Бу стратегик вазифанинг ҳал қилиниши фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштиришга боғлиқ. КПСС Марказий Комитетининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари комиссиясининг мажлисида туб ислоҳот шароитида фан-техника тараққиётини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар кўриб чиқилди. Мажлис 1 сентябрда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Н. Н. Слюньков** раислигида ўтди.

Н. Н. Слюньков муҳокама қилинаётган муаммонинг аҳамиятини таъкидлаб, КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифани, яъни халқ хўжалигини 10—15 йилда тубдан қайта қуриш вазифасини мамлакатнинг илмий-техникавий потенциалини кескин ошириш ва ундан самарали фойдаланиш асосида ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омилларнинг ҳаммасини ҳаракатга келтириш шароитидагина бажариш мумкинлигини айтди.

Комиссия аъзоси, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти **К. В. Фролов** ахборот берди. Масалани муҳокама қилишда: СССР автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги универсал чопиқ тракторлари бош конструктори **П. А. Амельченко**, СССР Фанлар академиясининг «Илмий асбоблар» тармоқлараро фан-техника комплексининг бош директори **М. Л. Александров**, «Квантэмп» Москва шаҳар бирлашмаси правлениесининг раиси **Ю. В. Скоков**, Украина ССР Фанлар академияси «Кўкунли металлургия» тармоқлараро фан-техника комплексининг бош директори **В. И. Трефилов**, СССР Оғир машинасозлик министрлиги атом электростанциялари учун турбиналар бош конструктори **Ю. Ф. Косяк**, СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари —СССР министри **В. А. Дурасов**, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ҳалқ хўжалиги академияси кафедрасининг мудири **Ю. В. Яковец**, илмий ва инженерлик жамиятлари союзи правлениесининг раиси **А. Ю. Ишлинский**, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети машинасозлик бюросининг раиси **И. С. Силаев**, СССР Фанлар академиясининг президенти **Г. И. Марчук**, СССР соғлиқни сақлаш министри **Е. И. Чазов**, Москва шаҳар Советининг раиси **В. Т. Сайкин**, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Фан-техника давлат комитетининг раиси **Н. П. Лаверов**, СССР электрон саноати министри **В. Г. Колесников**, КПСС Кабарда-Балқария область комитетининг биринчи секретари **Е. А. Елисеев**, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Л. И. Абалкин**, СССР Стандартлар давлат комитети раиси **В. В. Сичев**, КПСС Кемерово область комитетининг биринчи секретари **А. Г. Мельников** иштирок этдилар.

Н. Н. Слюньков баҳсларга якун ясаб, фан-техника тараққиётини бошқаришни такомиллаштиришнинг прогноз қилишни тубдан қайта қуриш каби асосий муаммоларига, тадқиқотчилик фаолиятини, лойиҳалашнинг техник даражасини, давлат илмий-техникавий программаларининг мазмунини бойитиш, ташкилий шаклларини такомиллаштириш масалаларига батафсил тўхталди.

Комиссиянинг асосий хулосаларини фан-техника тараққиёти муаммоларига бағишланган Бутуниттифоқ кенгашига тайёргарликка асос қилиб олишга қарор қилинди. Шунингдек, СССР Олий Совети сессиясида муҳокама қилинадиган қонун актлари лойиҳаларини кўриб чиқиш чоғида комиссия материалларидан фойдаланиш тўғрисидаги таклиф маъқулланди. Буларнинг ҳаммаси партия XXVIII съездига тайёргарлик кўриш чоғида фан ва саноат, партия комитетларининг кенг доирадаги ходимлари фикрини ҳисобга олишга имкон беради.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ВА СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССР БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади.

1. Қуйидагилар қайта ташкил этилсин:

а) Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти республика министрлигига ва Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари республика министрлигига айлантирилсин;

б) Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал масалалар иттифоқ-республика давлат комитетига ҳамда Ўзбекистон ССР Социал таъминот республика министрлигига айлантирилсин.

2. Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати республика министрлиги тузилсин.

3. Ўзбекистон ССРнинг 1978 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон ССР Олий Советининг ведомостлари, 1978 йил, № 36, 527-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

26-моддадаги «Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги» сўзлари «Автомобиль транспорти министрлиги», «Автомобиль йўллари министрлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин; шу модда «Бинокорлик материаллари саноати министрлиги», «Социал таъминот министрлиги» сўзлари билан тўлдирилсин;

27-моддадаги «Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети» сўзлари «Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети» деб ўзгартирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари учун — Президиум аъзоси
Ҳ. ҒУЛОМОВ.

Тошкент шаҳри,
1989 йил 2 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Б. ҚУРБОНБОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Болтабой Қурбонбоев Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари этиб тасдиқланиб, Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари учун — Президиум аъзоси
Ҳ. ҒУЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
1989 йил. 2 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Қ. СЕЙТНАЗАРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Қурбонбой Сейтназаров Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари учун — Президиум аъзоси
Ҳ. ҒУЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
1989 йил. 2 сентябрь.

СЎНГГИ СОАТДА

● ПХЕНЬЯН. Корея Халқ Демократик Республикаси Жанубий Кореяни қардош-сиёсий музокараларга тайёргарлик юзасидан ўзаро алоқаларни давом эттиришга яна даъват этди. Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг органи «Нодон синмун» газетасининг бугун хабар қилишича, КХДР делегациясининг бошлиғи Пэк Нам Дюн жума куни телефон орқали Жанубий Корея делегацияси бошлиғи Сон Хан Хога мурожаат қилиб, тайёргарликка бағишланган учрашувнинг навбатдаги учинчи давраси 18 сентябрда Пханмунжомда ўтказишни таклиф қилди. Шимолий Корея вакили ҳозирги вақтда КХДР ва Жанубий Корея мамурлари ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйиш учун зарур бўлган ана шу алоқаларни ташкил этишга халақит берадиган ҳеч қандай тўсқинлик йўқлигини таъкидлади. Пэк Нам Дюн Сеул музокаралари учун «эшикларни кенг очиш» шимолнинг ярим оролдаги ҳарбий муҳолифлик ҳолатини бартараф этиш муддаосига жавоб бериши лозим, деб таъкидлади.

● НЬЮ-ЙОРК. Шу ҳафтада «Бостон глоб» газетасининг буюртмасига мувофиқ ўтказилган жамоатчилик фикрини сўраб билишда иштирок этган кишиларнинг 43 процента АҚШ президенти Жорж Бушнинг гиёҳвандликка қарши кураш фаолиятини «ёмон» ёки «ўртача» деб баҳолади. Савол берилган кишиларнинг 38 процента президентнинг ҳаракатларини маъқуллади.

Тадқиқот ташкилотчилари қўпгина америкаликларнинг Оқ уйнинг бу соҳадаги сиёсатига салбий муносабатининг асосий сабаби маъмурият ишлаб чиққан наркотик моддаларга қарши кураш программасидир, деб таъкидламоқдалар. Буш бу программани расмий равишда 5 сентябрда миллий телевиденне орқали нутқ сўзлаб баён қилиб бериши керак. Бироқ, матбуотда ана шу программанинг баъзи тафсилотлари тўғрисидаги маълумотлар пайдо бўлди. Газеталар, жумладан, президент асосий эътиборни наркотик моддаларни яширинча келтириш билан шуғулланувчиларга қарши курашдан бу заҳарли моддаларни истеъмол қилувчи кишиларни суд йўли билан таъқиб этишни кучайтиришга қаратмоқчи бўлаётганини ёзмоқда.

(ТАСС, 2 сентябрь).

• *Бугун—Нефть ва газ саноати ходимлари куни*

АРДОҚЛИ МИЛЛИОН

Кўнгилли бир қиёслаш. Кейинги 17 йил мобайнида биринчи марта 1988 йилда эзгу орзу ушалди: 1 миллион тонна нефть қазиб олиш марраси эгалланди. Бу йил эса 1 миллион 25 минг тонна нефть қазиб чиқарилади. Анъанавий байрам кунида «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари ана шу қувонч оғушида.

Бирлашма ўтган йил бошидан тўла хўжалик ҳисоби усулида ишлай бошлади. Бу усулда ишлаш коллектив меҳнат ғайрати ва ташаббускорлигини ошириб юборди. Тўғри, шу чоққача ҳам бу ерда планлар бажариб келинарди. Лекин янгича ишлаш яширинib ётган резервларни ҳам ҳаракатга келтира бошлади.

Мана, ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб кўринг: кейинги саккиз ойда маҳсулот қазиб олиш суръати жадаллашди. 650 минг ўрнига 685 минг тонна нефть, 139,9 миллион ўрнига 154 миллион кубометр табиий газ қазиб олинди. Етти ой якунига кўра, пландан ташқари олинган фойданинг ўзи 2 миллион 773 минг сўмни ташкил қилди. Хўш, бунга қандай эришилди?

— Аввалambor, «Нима бўлса ҳам план бўлсин!» деган эски қоидани кун тартибидан олиб ташладик,— дейди бирлашма бош директори Анвар Норматов. — Коллективда ҳар бир бригада имкониятларига қараб қанча нефть ва газ қазиб чиқаришни ўзи белгилади. Шу тариқа «Ким кўп нефть қазиб чиқарса, шунча кўп ҳақ олади», деган янги қоидага амал қила бошладик. Бу эса нефтчиларни янги марралар сари ундаяпти.

Ҳозиргача коллектив аҳли 8 ойлик пландан ташқари 35 минг тоннадан кўпроқ нефть ва 14 миллион кубометр газ қазиб олди. Беш йиллик бошидан буён эса планга қўшимча 170 минг тонна нефть қазиб чиқарилди.

— Бу муваффақиятга геология-қидирув ходимлари ҳам ҳисса қўшдилар, — дейди бош геолог А. Рашидов. — Тинмай изланишлар натижасида янги конлар топилди. Ўтган йили Наманган областининг Мингбулоқ массивида, Сурхондарё областининг Жайронхона ва Жалойир майдонларида янги нефть конлари очилди.

Лекин ишда мураккаб қийинчиликлар ҳам бор. Бу аксарият моддий-техника таъминотидаги узилишлар билан боғлиқ. Масалан, кончилар чуқур пармаловчи махсус насослар, насос-компрессор қувурлари, химиявий реагентларга муҳтожлик сезмоқдалар. Ана шу муаммолар ҳал этилса, ер ости бойликларини қазиб олиш янада тезлашади.

Дарҳақиқат, чуқур пармалаш усули кенг қўлланиляпти. Пармалаш ишлари бир неча минг метр чуқурликда олиб борилаётган майдонлар ҳам бор. Бу эса нефть қудуқларини қазишда қийинчиликлар туғдирмоқда. Шунга қарамасдан, илғор пармаловчилар юқори суръатларда ишлаб, топшириқларини 1,5—2 баравар ошириб бажаришяпти. Айниқса, пудрат усулида ишлаётган Қўқон ва Қаршидаги пармаловчилар бригадалари юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Пармалаш ташкилотлари йил охиригача 43 та нефть ва газ қудуғини фойдаланишга топширишни мўлжаллашяпти.

Корхона янги техника ва асбоб-ускуналардан тўлиқ фойдаланиш, қатламлардан нефть олиш самарадорлигини оширишнинг янги усуллари қўлланилиши туфайли планга қўшимча 4 минг тонна нефть ва 800 минг кубометр газ қазиб чиқарди. Шу тариқа қўшимча даромад ҳам 2 миллион 815 минг сўмга ошди. Бирлашма ижодкорлари эса 9 та ихтиро ва 453 та рационализаторлик таклифлари билан 1 миллион сўмлик иқтисодий фойда келтирдилар.

Ишни ташкил этишнинг янги формалари жорий қилиниши ва коллективдаги ўзаро ўртоқларча меҳнат беллашуви бирлашма аҳлига янги куч-ишонч бағишламоқда. Нефтчилар шу йилнинг ўзида икки марта Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолибликни эгаллаб, Нефть саноати министрлигининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлишди. Бирлашма бўлинмаларидаги меҳнат беллашувида Б. Равшанов, А. Расулов, К. Эменжиев ва А. Турсунов бошлиқ нефтчилар, пармаловчилар бригадалари ғолиблик қилишмоқда.

Байроқдор коллективда ютуқлар кўпайган сари ишчиларнинг социал аҳволи ҳам яхшиланиб боряпти. Нефтчиларнинг ўртача иш ҳақи 15 фоиз ошиб, 250-300 сўмга етди. Фойдаланишга топширилган уй-жойлар 1986 йилга қараганда уч баравар кўпайди. Қашқадарё областида 1991 йили, Сурхондарё ва Фарғона областларида 1993 йилгача ишчиларнинг уй-жойга бўлган талабини қондириш режалари амалга ошириляпти. Андижонда 100 ўринли профилакторий, Сурхондарёда 400 кишига мўлжалланган маданият уйи шу йилнинг ўзида фойдаланишга топширилади. Қарши шаҳрида 280 ўринли болалар боғчаси қурилиши бошлаб юборилади. Ҳозирги пайтда нефтчилар посёлкаларида спорт майдончалари, теннис кордлари ва фин ҳаммоми бўлган соғломлаштириш комплекси қурилиши ҳам мўлжалланмоқда.

Бирлашма коллективи айни кунларда аниқ режаларни кўзлаб меҳнат қиляпти. Улар йил охиригача пландан ташқари 45 минг тонна нефть ва 18 миллион кубометр газ қазиб чиқаришни мўлжаллашган.

— Биз оғир, лекин шарафли ишни бажаряпмиз,— дейди қашқадарёлик нефтчи Нормурод Йўлдошев. — Оғирлиги шундаки, бир неча минг метр чуқурликдаги конлардан қийин, баъзан хавфли шароитларда нефть ва газ қазиб чиқарамиз. Шарафлилиги шундаки, ишлаб чиқаришни ва кундалик ҳаётимизни нефть-газ маҳсулотларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биз, ана шу эҳтиёжни муттасил қондириб боришга даъват этилганлигимизни яхши биламиз.

Ҳақ гап: «Касбинг— фахринг» дейди доно халқимиз. Кўпминг кишилик «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўз касбини ардоқлаб келмоқда. Ахир фахрланса, ардоқласа арзигулик касблари бор-да!

А. БОЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ХАРИДОРГИР ГАЗЛАМА

— Фабрикамизда тўқилган шойи-атласларни қизларимиз эгнида кўрсам, дилим яйраб кетади, — дейди илғор тўқувчи М. Сулаймонова. — Қилган меҳнатимдан қувонаман. Кўпроқ, сифатлироқ газлама тўқисам дейман.

Юқори сифат учун курашаётган корхона ишчилари йил бошидан буён 36 минг метр газлама тўқиб чиқардилар. Савдо тармоқларига пландан ташқари 138 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Таннарх 3 минг сўм арзонлашди.

М. ЭРГАШЕВ.
Қўқон шаҳри.

●

ТАДБИРЛИ ЧОРА ИЗЛАР

«Ишёқмас баҳона, тадбирли чора излар» деганлари тўғри экан. Қизилтепа районидаги «Бўстон» совхози раҳбарлари Хўжақасан қишлоғидаги ишсиз хотин-қизларни иш билан таъминлаш чораларини кўришди. Шу мақсадда Киров областидаги «Заря» тикувчилик бирлашмаси билан дўстлик шартномаси тузилди.

Яқинда бирлашма совхозда ўз филиалини ишга туширди. Кировлик мутахассислар монтаж қилиб берган 50 та тикув машинасида 150 нафар хотин-қиз уч сменада иш бошлади.

Куни кеча тикувчилик корхонаси ўзининг дастлабки маҳсулотларини сотувга чиқарди. «Бўстон»лик тикувчилар йил охиригача 900 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллашяпти.

Б. МАНСУРОВ.

• *Дилимиздаги гаплар*

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОҚИЛОНА ЖОЙЛАШТИРИЛСИН

Ҳозирги вақтда жамиятимизни янгилашни таъминлайдиган қайта қуриш позициясини мустаҳкамлаш, бу ишга барча кишиларни сафарбар этиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XVI пленуми бунинг яққол далилидир.

Пленумда республикада юзага келган социал-иқтисодий аҳволни чуқур таҳлил этиш натижасида бир қатор жиддий муаммолар аниқланди. Принципиал аҳамиятга эга бўлган бу муаммоларни ҳал этишнинг жиддий чора-тадбирлари белгиланди. Шундай муаммолардан бири жумладан саноатда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдир.

Республика областлари саноат тараққиётининг нотекислиги, аввало, саноат корхоналарини жойлаштиришдаги камчиликлар ва яратилган потенциалнинг самарали фаолият кўрсатмаётганлигидан иборат. Ҳозирги вақтда Тошкент, Самарқанд, Фарғона областларида, Тошкент шаҳрида саноат корхоналари кўп жойлашган бўлиб, бу ердагиларнинг аҳолиси 45 процентни ташкил этган ҳолда, уларга саноат корхоналарининг 50 процентга ҳамда чиқарилаётган маҳсулотнинг ва саноат ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг 70 процентдан кўпи тўғри келади.

Шу билан бирга ҳозирги муносабатларда ҚҚАССР ва Сурхондарё областида меҳнатга қобилиятли киши ҳисобида соф маҳсулот ишлаб чиқариш Тошкент областидаги даражадан тўрт баравар, республика бўйича ўртача даражадан 2,5 баравар орқададир.

Областлар ўртасида меҳнатга қобилиятли ҳар бир киши ҳисобига соф саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши ўртасидаги узилиш ҳиссаси 50 процент кўпайди. Бунинг маъноси шуки, бу жойларда саноат бир текис жойлаштирилмаган ва кам ривожланган, территориал ва тармоқлараро нисбатларни шакллантиришда структура сиёсати собитқадамлик билан ўтказилмаган.

Бу масалаларни ҳал этишда бизнингча қуйидаги жиҳатларга асосланмоқ керак:

— республиканинг у ёки бу бошқа областларининг территориал ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда саноат ишлаб чиқариши тармоқларини устун даражада ривожлантириш, барча резервлардан энг кўп фойдаланган ҳолда саноат жиҳатдан суст ривожланган областларнинг саноатини кенг ривожланган областлар даражасига олиб чиқиш;

— ҳар бир областда табиий-иқтисодий шароитларга профилли тармоқларнинг ресурсларига мувофиқ умумиттифоқ ва республика меҳнат тақсимотида ўз ўрнини белгилайдиган саноат корхоналарини барпо этиш ва ривожлантириш;

— областларнинг социал-иқтисодий ривожланиши даражасини бараварлаштиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштиришни таъминлаш, бу йўналишларни мувaффақиятли амалга ошириш, саноат ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг ҳамма резервларидан тўла равишда оқилона фойдаланиш, шунингдек, энг юксак иқтисодий самара берадиган янги саноат объектларини жойлаштиришнинг самарадорлигини таъминлаш асосида республика областларида саноатни ривожлантириш даражасини жиддий оширишга олиб боради.

Н. СУЛТОНОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ДЎСТЛИКНИ МУҚАДДАС БИЛАЙЛИК

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАРИНИНГ БОЛТИҚБЎЙИ ЖУМҲУРИЯТЛАРИДА ЯШОВЧИ МЎМИН БИРОДАРЛАРГА МУРОЖААТНОМАСИ

Биз, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Болтиқбўйи жумҳуриятларидаги сиз мўмин биродарларимизга ўз Ватандошларимиз сифатида мурожаат қиламиз ва биламизки, сизлар билан бизларни нафақат моддий ва маънавий алоқалар, балки ўзаро дўстлик, меҳр-оқибат ва биродарлик туйғулари ҳам боғлаб туради. Биз сизлар билан хурсандлик дамларида ҳам, қайғули кунларда ҳам бирга бўлганмиз. Улуғ Ватан урушининг қора кунларида қандай қилиб сизлар билан бизлар биргаликда Оврупани фашист вабосидан озод қилганимиз ёдимизда.

Биз ҳозирги дақиқаларда сизларнинг жумҳуриятларингизда рўй бераётган воқеаларни диққат билан кузатиб бориш билан бирга Оллоҳ-таолодан илтижо ила сизларнинг ораларингиздан қайси бир кишиларни шайтони лаъин йўлдан уриб, қулоғига адоват васвасасини қуяётган ва кимни ўз Ватандошлик онгидан ва тафаккуридан маҳрум қилаётган бўлса, ўшаларга нисбатан сизларга сабр ва матонат ва бардош ато қилишлигини сўраймиз.

Барча халқлар, шу жумладан, Ўзбекистон ва Тожикистон мусулмонлари — ўзбеклар ва тожиклар ўз бошларига тушган фалокатли зилзила оқибатларидан халос бўлишларида Литва, Латвия ва Эстония халқларининг кўрсатган биродарона ёрдамларини зинҳор ёдларидан чиқармайдилар. Шунинг учун ҳам сизларнинг жумҳуриятларингизда энг қийин йилларда — уруш туфайли вайронага айланган мамлакатимизни оёққа турғазиш асноларида касб этган дўстлигимизга миллатга ва Советларга қарши кучлар томонидан футур етказилмоқчи бўлаётгани қалбларимизда чуқур қайғу пайдо қилмоқда. Ҳозир маълумки, биз қайта қуриш ва ошкоралик сиёсати илҳоми билан мамлакатимиз иқтисодини юксалтиришга ғайрат билан бел боғладик. Бу шароитда бизнинг дўстлик қадриятимиз нақадар зарур эканлиги ўз-ўзидан маълум. Ўзимизнинг умумдиний ва ҳамюртлик бурчларимиздан келиб чиқиб, улуғ мамлакатимизни биргаликда мустаҳкамлашимиз керак. Биз, аҳли мўминлар сизлар билан биргаликда мамлакатимизнинг ҳозирги оғир аҳволидан чиқишга ёрдам бера оламиз, деб ишонамиз. Бизнинг илоҳий китобимиз — Қуръони каримда шундай дейилади: «Оллоҳ йўлига нафақа қилингизлар ва ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангизлар ва чиройли ишларни қилингизлар. Оллоҳ таоло чиройли иш қилувчиларни дўст тутади». Бу ояти калима таълимотига биноан халқларни боғлаган дўстлик алоқаларига футур етказиш ва дунёда фасод ишларини қўзғишлик гуноҳи кабиралардан ҳисобланади. Чунончи, Оллоҳ таоло хитоб қилиб айтади: «Тузатиб ва безатиб қўйилган Ер юзида фитна-фасод ва бузғунчилик ишларини қилмангизлар, Оллоҳдан қўрқиб, ундан умид қилиб, ҳожатларингни сўрангизлар. Албатта, Оллоҳнинг раҳмати чиройли ва яхши амал қилувчиларга яқиндур». Бу деган сўз сизлар билан бизлар ўз қўчларимизга таяниб, Совет ҳокимияти даврларида тикланган маданий, иқтисодий ва маънавий алоқаларимизни бузмаслигимиз ва гуруҳбозликка чақирувчи унсурларнинг васвасаларига алданмаслигимиз зарур. Айниқса, мўминлар Оллоҳ таолонинг ато этган нозу неъматларини қадрлаб, уларнинг шукроналарини қилиб боришлари керак. Биз, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари шу билан фахрланамизки, бизнинг халқ бойлигимиз, яъни хом ашёмиздан Болтиқбўйи жумҳуриятларининг барча халқлари баҳраманд бўлмоқдалар ва биз ишонамизки, келажакда ҳам бу хусусда ҳамкорликни давом эттирамиз.

Сизларнинг муқаддас Инжил китобингизда дўстлик, меҳр ва муҳаббатнинг юксак ғоялари йўлида ҳамкорлик қилишнинг аҳамияти такрор-такрор қайд этилган. Бинобарин, биз диндорларга мурожаат қилиб, уларни Парвардигори олам сўзларига амал қилишга ва бирлик кучи нақадар юқори эканини, бўлинганни эса бўри ейишини идрок этишга чақирамиз.

Қуръони каримда мусулмонларга энг дўст ва яқин кишилар — насоролар, яъни христианлардир, дейилган. Шунинг учун биз ўртамиздаги дўстликни илоҳий неъмат деб билиб, динларимизнинг олий даъватларига содиқ бўлишга ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик руҳини сақлаб қолишга чақирамиз.

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ДИНИЯ БОШҚАРМАСИ.

ШАРТНОМАГА БИНОАН

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Шўрчи районида жойлашган Далварзинтепа шаҳарчасида дастлабки Совет — Япония археологик экспедицияси қизғин иш олиб бормоқда. Бу Ўрта Осиёнинг энг қадимий маданият ёдгорликларидан биридир. У Кўшон империясига тегишлидир. Япон олимларини буддизм ҳақидаги маълумотлар қизиқтириб қолди. Шу йилнинг бошида Ҳамза номидаги санъатшунослик институти билан Соко университети ўртасида ана шу ёдгорликларни ўрганиш бўйича шартнома тузилганди.

Узаро программага кўра олти йил мобайнида Совет ва Япония олимлари янги илмий ишлар ва монографияларни босиб чиқариб, архитектура топилмаларн катологини яратишни мўлжаллашган. Олимларнинг таъкидлашларича, бу ердан буюк ипак йўли ўтган. Бу ерда топилган турли олтин безаклар, шахмат фигуралари ва бошқалар шаҳар илгари тўртта империядан бирнинг пойтахти бўлганлигини кўрсатмоқда.

Суратда: Далварзинтепада қазиш ишлари қизғин.

Р. ШАГАЕВ сурати. (ЎзТАГ).



ЯХШИ МУНОСАБАТЛАРДАН ДАЛОЛАТ

ТРИПОЛИ. (ТАСС). Ливияга ташриф қилган Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик Совет комитетининг ана шу комитет раиси ўринбосари, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов бошлиқ делегацияси бугун Умумараб халқ конгресси доимий секретариатининг бош секретари Умар Ал-Ҳамдий билан учрашди.

Сентябрь революциясининг 20 йиллигини байрам қилишда Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик Совет комитетининг юксак даражадаги делегацияси иштирок этиши, деди Ал-Ҳамдий, мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ йиллик яхши муносабатларнинг далилидир. Биз Совет Иттифоқини араб халқларининг дўсти ва иттифоқчиси сифатида тутган позициясини ва унинг тинчлик учун, кескинликни юмшатиш учун курашини юқори баҳолаймиз.

Иккала томон ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш истагини билдирди. Шу муносабат билан Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик Совет комитети ва Умумараб халқ конгресси ўртасидаги бўлажак алоқаларнинг конкрет масалалари муҳокама қилинди.

• *Мутахассис масала қўймоқда*

ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН...

Темир йўл ва автомобиль транспорти ходимлари ҳамкорлигини мустаҳкамлай бориб, халқ хўжалиги юкларини марказлашган тартибда ташишга ўтишнинг иқтисодий афзалликлари хусусида

Станцияга юкли вагон келиб тўхтади. Темир йўл хизмати бу ҳақда одатда, поезд келишидан олдинроқ юк эгаларига хабар беради. Матбуот хабарларидан, турли даражадаги йиғилишларнинг материалларидан маълумки, вагонларни юк эгалари камдан-кам ўз вақтида бўшатиб олишади, шу боис темир йўлга катта-катта жарималар тўлашади. Кўп йиллардан бери давом этиб келаётган бундай ноҳуш аҳволни тузатса бўладими? Бу саволга «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари ижобий жавоб беришмоқда.

Ҳозирги кунда кенг жорий этилаётган хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш асосида йўлга қўйилаётган ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш омиллари иқтисодий тармоқлар фаолиятини баҳолашга янгича ёндашувни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда тармоқлар ўзаро тутаган нуқталарда турли корхоналарнинг ишлаб чиқариш-транспорт муносабатлари чоғида содир бўлаётган йўқотишлар янада яққолроқ кўзга ташланади. Олдиндан режалаштирилиб қўйилган транспорт сарфларини тежамкорлик ҳисобига қоплаб бўлмаётгани сир эмас, албатта. Хўжалик ҳисобига ўтиш корхонада ҳамма нарсани, жумладан транспорт харажатларини ҳам иқтисод қилишга даъват этмоқда.

Темир йўлда ташиб келтирилган юкларни станциядан истеъмолчига етказиш автомобиль транспортининг кенг тарқалган хизмат турларидан. Бирлашмамиз ходимлари Тошкентдаги йирик темир йўл станцияларидан ҳисобланмиш Шумилов станциясида бир ҳафта давомида қилинаётган ишлар ҳисоб-китобини олиб боришди. Вагонда келган юкларни станциядан юк эгаларининг ўзлари олиб кетишади.

Олти кун ичида турли министрлик ва идораларга қарашли 15 та корхонага юк келди. Юкларни ташишга умумий юк кўтариш қуввати 2104 тонна бўлган 307 та автомобиль сафарбар қилинди. Улар томонидан ҳаммаси бўлиб 935 тонна юк ташиб берилди, холос. Юк ортиш қувватидан фойдаланиш коэффициенти 0,44 га тенг бўлди ва ҳар бир автомобиль планда кўзда тутилганидан 2 соат ортиқ ҳаракатсиз қолди.

Конкрет мисолга мурожаат қилайлик. Давлат номери 58—17 ТНМ бўлган ЗИЛ—130 автомобили Тошкент аэропорти учун 600 килограмм юкни ташиб беришда 3 соату 10 минут бекор қолди. Ҳолбуки, машинанинг юк ортиш қуввати 6 тонна. Шу куни 16 тоннабай ишлаган ўн тоннали автомобилнинг бир куни 60—80 сўм туради. Бу — марказлаштирилган юк ташишга қараганда 10—15 марта қимматга, устига-устак ҳайдовчи, экспедитор ва юкчининг иш ҳақини ҳисобга оладиган бўлсак, корхона ўз юкини ўзи ташиб кетиши иқтисодий жиҳатдан катта зиён келтираётганлигини кўрамиз. Яна бир чиқимни ёдда тутиш лозим. Темир йўл юк етиб келган ва мижозга хабар берилган вақтдан бошлаб юкни сақлаб турганлиги учун ҳақ олади. Станциядаги юк майдончаси имкониятлари чекланиб қолган ҳолларда эса юки туширилмаган вагоннинг бекор туриб қолгани учун юқорида айтиб ўтганимиздек, мижоз жарима тўлашга мажбур бўлади.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳозир бундай хўжасизларча иш юритишга йўл қўйиб бўлмайди. Корхоналарнинг меҳнат коллективлари ўзлари тер тўкиб топган маблағ нималарга сарф қилинаётгани ҳақида ҳисоб сўрашга ҳақлидирлар. Турган гап, коллектив пули жарима тўлови ва ортиқча транспорт харажатига сарфлагани ҳақидаги ҳар қандай изоҳ меҳнатчиларни қаноатлантирмайди.

Шундай экан, автомобиль транспорти воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва транспорт ҳаражатларини кескин камайтириш йўллари қандай?

Бу саволга Шумилов станциясининг ўзида жавоб топиш мумкин. Бу ерда қатор йиллардан бери 20 тоннали йирик контейнерларни эгаларига марказлашган тартибда ташиб бериш амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлигининг 127-корхонаси станция территориясида ўзининг тўртинчи автоколоннасини ташкил этган. Контейнерлар келиши билан дарҳол ўз эгасига етказилади. Юк олувчилар автотранспорт қидириш, юкларни ташиб кетиш ёки жойлаштириш, ҳужжатларни расмийлаштириш ташвишидан холи. Бу ишларни 127-автокорхона бажаради.

Ахир қачонгача вагонда келтирилган юклар эгалари томонидан олиб кетилади ва шу билан боғлиқ ташвишлар давом этади? Гап шундаки, муҳрланадиган контейнер ҳужжатлар ҳаракати, юкларни узатиш учун қоғоз муомаласи масалаларини бирмунча енгиллаштиради. Вагонда келтирилган юкни қабул қилиб олиш нозик иш. Бу ҳайдовчи-экспедитор махсус тайёргарликка эга бўлишини, автотранспорт ва темир йўл ҳужжатлари, ҳар икки турдаги транспорт иши етарли даражада мувофиқлаштирилишини талаб қилади. Айни мана шу масалаларни ишлаб чиқиш вазифасини «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари ўз зиммаларига олишди. Бу ишнинг ташаббускорлари сифатида 127-автокорхона ва бирлашмамиз мутахассислари анчагина муваффақиятни қўлга киритишмоқда. Илгари катта сарф-харажатлар қилишга мажбур бўлган юк олувчилар эндиликда бундай муаммоларга дуч келишмаяпти.

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетининг барча бўлинмалари йилига шу станциядан 50 минг тонна ҳажмида юк олишади. Ҳисоблардан маълум бўлишича, ана шу юкни ташиб кетиш учун ҳаражат 600 минг сўмни ташкил қилар экан. Айни пайтда мазкур иш марказлашган тартибда амалга оширилса, транспорт сарфи 70 минг сўмдан ошмайди. Худди ана шундай вазият республика моддий-техника таъминоти ташкилотларида ҳам сақланиб турибди. Таъминотчиларнинг транспорт харажати 400 минг сўмдан ортиб кетган. Республика энергетика корхоналарининг транспорт ҳаражати ҳам шу станция доирасида қарийб 220 минг сўмни ташкил қилади. Тошкент мебель фабрикаси, трактор заводи, «Подъёмник» бирлашмаси ва бошқа корхоналар ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйишмоқда.

1989 йилнинг май ойидан бошлаб шу станциядан юк олувчи йирик мижозлар республика Моддий-техника таъминоти давлат комитетига қарашли «Ташмашснаб», «Ташметаллснаб», «Ташзапчасснаб», «Металлообработка» ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарига марказлашган тартибда юк ташиб берилмоқда. Лекин янги усулни қўлланиш давомида пайдо бўлаётган барча қийинчиликлар бартараф қилинишига қарамасдан кўп кишилар янгича усул талабларини ҳали тўлиқ тушуниб олишганича йўқ. Ўзингиз ўйлаб кўринг, янги усул жорий қилинганда йўл ҳужжатлари ҳайдовчига топшириқ берилишидан бир кун олдин тақдим қилинади. Автомобилга ҳамиша тўлиқ юк ортилади. Мабодо яна жой қолган бўлса, машинага иккинчи ташкилотнинг юкини ортиш мумкин. Ҳозир учта автопоезд шундай шароитда ишлаб, кунига 110—120 тонна юк ташимоқда. Бошқача қилиб айтганда, учта автомобиль мустақил юк ташиш билан банд қилинадиган 30—40 та машинанинг ишини бажармоқда. Ўз-ўзидан учтагина ҳайдовчи 30—40 ҳамкасби ва шунча экспедиторнинг ўрнини босмоқда. Дастлабки ҳисобларга кўра, янги усулда ташилган ҳар тонна юк 10—15 сўм иқтисодий наф келтирмоқда.

Назаримизда, мазкур усулда ишлаш экстенсив ишлаб чиқариш усулидан интенсив йўлга ўтишнинг ёрқин мисоли бўлиб, у ходимлар меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилувчи омиллардан биридир. Хўжалик юритишнинг шундай усулларига оммавий равишда ўтиш ишлаб чиқариш воситалари, яъни автомобиллар етишмаслигини бартараф этади. Марказлаштирилган тартибда юк ташишни жорий қилиш мумкин бўлган объектлар халқ хўжалигимизда жуда кўп. Госснаб базалари, ғишт заводлари, йирик корхоналар ва бошқаларда шу усулни қўлланиш мумкин.

«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари марказлаштирилган транспорт жараёнини ташкил қилиш, корхона ва ташкилотларнинг транспорт харажатларини камайтиришда амалий ёрдам кўрсатишга шайдирлар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз ўз хизматимизни олдиндан ҳақ олмасдан бажариб берамиз. Мутахассисларимиз корхона ва ташкилотлар биз ёрдам бериб ўтказилган тадбирлари қўлланишдан келадиган фойданинг 50 процентига ҳам рози бўлишади. Айни пайтда бизнинг мижозлар ҳар қандай зарар кўришдан ҳоли қолиш кафолатига эга бўладилар. Мабодо транспорт харажатлари камаймаса, бирлашма ўз хизмати учун ҳақ олишдан воз кечади.

Ушбу масалада манфаатдор томонлар сифатида фақатгина автомобилчилар эмас, балки биринчи навбатда ҳозирги кунда транспортга катта сарф-харажат қилаётган корхона ва ташкилотлар ҳам майдонга чиқишлари лозим. Албатта, бундай тармоқлараро йирик вазифани кенг миқёсда ташкил қилиш ва мувофиқлаштиришни республика даражасида идораларо планлаштирувчи орган ўз бўйнига олиши зарур. Бизнинг бирлашмамиз республика халқ хўжалиги автотранспорт хизмати кўрсатишнинг регионал ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш вазифасини бажаришга тайёрдир.

А. ГОРЕЛКИН,
«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди.

З. ПЎЛАТХЎЖАЕВ,
бирлашма бўлимининг сектор мудири.

Б. ЖАҲОНГИРОВ,
етакчи инженер.



ЖАМБУЛ. Жамбул областида «Пенсия таъминотини ва ақолига социал хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида»ги СССР Қонунида кўзда тутилганидан бир ой олдин оширилган пенсиялар тўлана бошланди. Бу қанча меҳнат коллективларн корхоналарни социал ривожлантиришга мўлжалланган маблағларнинг бир қисмини область пенсия фондига ўтказишни ёки турар жой-социал банкининг область идорасидаги махсус счётга бир кунлик иш ҳақини ўтказишни таклиф қилди. Шу тариқа кам таъминланган пенсионерларга ёрдам фонди вужудга келди.

ТУРСУНЗОДА. (Тожикистон ССР). Тожик металлургларининг навқирон шаҳрида тўққиз қаватли яна бир уй қад кўтарди. Бу уйга алюминий заводи ишчиларининг бир йўла етмиш оиласи кўчиб кирди. Кўп квартирали яна бир уйнинг пардозлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Бу йил металлургларга, қурувчилар, завод маданий-маърифий муассасалари ходимларининг жами 200 дан знёд оиласи шинам квартираларга эга бўлади. Уй-жойларни жадал суръатларда қуриш — маҳаллий шаҳар Советн шу беш йиллик учун қабул қилган «Социал соҳа» комплекс программаси муҳим пунктининг амалга оширилишидир. Кейинги вақтда бу ерда йирик АТС, янги савдо маркази, миллий ва европача таомлар тайёрланадиган ошхоналар бунёд этилди.

(ТАСС мухбирларининг хабарларидан).

• *Миллий масала: сиёсат ва амалиёт*

АНДОЗАЛАРДАН ВОЗ КЕЧИЛГАНДА

«Халқларнинг бузилмас дўстлиги» гипнозидан аста-секин уйғониб, биз миллий муносабатларда социал адолат, миллий манфаатлар, ҳаётнинг барча жабҳаларида халқларнинг тенглиги ва тенгҳуқуқлилиги каби қадриятларнинг маъноси устида ўйлай бошладик. Ниҳоят андозалар улоқтириб ташланди. Ҳаёт ҳақиқати бизни кўпмиллатли Совет Иттифоқи бирлигини мустаҳкамлашнинг ўйлаб чиқарилган эмас, балки ҳақиқий воситаларини қидириб топишга олиб келди.

Очиқ-ойдин гаплашайлик. Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё республикаларининг Совет ҳокимияти йилларидаги муваффақиятлари тўғрисида озмунча ёзилдими! Уларни инкор этиш ярашмаган иш бўлур эди. Аммо иқтисодда, маданият соҳасида рўй берган жуда катта бузилишларни инкор этиш бундан ҳам ярашмаган иш бўлур эди. Бунда ҳам марказ, ҳам шу ернинг ўзидаги масъулиятдан қочувчилар айбдордир. Ўзбекистонда, масалан асосан кон қазиб чиқариш ва қайта ишлаш саноати ривожланди. Бу ерда мамлакат химия саноати корхоналарининг қарийб 9 проценти жойлашгандир. Ўз-ўзидан маълумки, бу атроф-муҳитнинг тоза бўлишига кўмаклашмади. Аммо, катта меҳнат ресурслари ва хом ашёнинг улкан манбалари бўлишига қарамай, бизда саноатнинг замонавий тармоқлари — электроника, машинасозлик ниҳоятда камдир. Аҳоли жон бошига йилига 1,5 банка маҳсулот ишлаб чиқарадиган консерва саноатини саноат деб бўладими? Бизда етиштириладиган сабзавот ва ҳўл меваларни назарда тутганда бу нима деган гап!

Ўзбекистоннинг мамлакат ягона халқ хўжалиги комплексида тутган ўрни ва унинг имкониятларига, на бутун Иттифоқимиз ундан қилаётган умидларга мос эмаслиги маълум бўлиб қолди. Пахта якка ҳокимлиги тўғрисида жуда кўп гаплар айтилди. Кўпгина районларда пахта майдонлари уйларнинг остоналаригача туташирб кетган. Алмашлаб экишнинг муттасил йўқолгидан ер чарчаган. Шак-шубҳасизки, мамлакатга пахта жуда ҳам зарур. Лекин мамлакат ва республика манфаатларини уйғунлаштириш имконини берадиган илғор ечимлар бор-ку, ахир.

Шу муносабат билан миллий муносабатлар масаласи учун энг ўткир бўлган ҳар бир республиканинг мамлакат экономикасини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссасини баҳолаш масаласини тилга олмоқчиман.

Матбуотда ҳозир ҳам айрим республикаларга умумиттифоқ бюджетидан бериладиган дотациялар ҳақида, ва гўё бу республикаларда тайёрга айёрлик майдияти кучаётганлиги тўғрисида мақолалар пайдо бўлиб турибди. Гўё у ёки бу республика ўзини боқа олмас эмиш ва бошқалар ҳисобига яшаётган эмиш. Чунончи, бу фикр бизнинг республикага қўлланиладиган бўлса эрта тонгдан то қора кечгача далаларда меҳнат қилиб кун кечириш учун сарфланадиганидан 2—2,5 марта кам ҳақ оладиган халқимиз сал бўлмаса текин хўрликда айбланмоқда.

Миллий даромадни белгилаш параметрлари ҳам жуда эскириб кетган. Ҳозир қишлоқ хўжалик хом ашёси етиштирадиган республикалар ниҳоятда манфаат кўрмайдиган аҳволга тушиб қолганлар. Негаки, миллий даромад шаклланишининг асосий моддаларидан бири оборотдан олинадиган солиқ бўлиб, у пировард маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида шаклланади. Шу маънода пахта, пилла, каноп етиштирадиган Ўрта Осиё республикалари ҳамиша азият кўрадиган томондир: бу экинларнинг пировард маҳсулоти мамлакатнинг бошқа регионларида шаклланади ва унга тўлов ўшаларнинг бюджетига бориб тушади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачиликдан республика бюджетига кишини ачинтирадиган даражада жуда оз сумма келиб тушишига ишониш қийин. Республика тўқимачилик саноати Ўзбекистонда етиштириладиган толанинг атиги 8 процентидан фойдаланади. Ер бағридан қазиб олинадиган фойдали қазилмалар, шунингдек умумиттифоқ министрликларининг корхоналари (ваҳолонки, улар республикадаги барча саноат корхоналарининг учдан бирини ташкил этади) маҳсулотлари ҳисобга олинмайди. Биз ҳаммамиз ҳар бир республиканинг қайта қуришга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш тўғрисида, уларнинг табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида ўйлашимиз керак, албатта. Аммо худди шунинг учун ҳам одамларнинг шаъни ва қадр-қимматига тегмайдиган ва мамлакат социал-иқтисодий ривожланишида ҳеч кимнинг ролини ерга урмайдиган объектив ахборот зарурдир.

Нарх белгилаш соҳасида ҳам социал адолат кўпроқ бўлиши зарур. Маълумки, хом ашёнинг нархи марказнинг директив органларида белгиланади. Нега пахтанинг баҳоси бир неча ўн йиллар мобайнида энг паст даражада қолиб келмоқда? Ваҳолонки техника, ўғит, хизмат кўрсатишнинг барча турлари қимматлашиб кетмоқда. Шундай қилиб, пахта зарар келтирадиган экин бўлиб қолди. Бундай зиддиятлар ҳуқуқларни камситиш сифатида қабул қилинаётганига ҳайрон бўлмаслик керак. Иқтисодий зиддиятлар бартараф этилса, шу жумладан пахтанинг харид нархлари оширилса, биз миллатлараро зиддиятларни ҳам бартараф этган бўламиз.

Энди миллий манфаатлар соҳасидаги социал адолат хусусида баъзи бир мулоҳазаларга тўхталамиз. В. И. Ленининг қуйидаги гапларини эслайлик: «...Миллатларнинг манфаатларига бирдан-бир тўғри муносабатда бўлиш — уларни максимал даражада қаноатлантириш ва ана шу заминда ихтиёрлар чиқарадиган ҳар қандай имкониятларга хотима берадиган шароитларни яратиб беришдир». (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 274-бет).

Ана шу доно васият назарида ҳам, амалиётда ҳам аста-секин унутила бошланди. Аслида миллий манфаатлар — чуқур социал-психологик воқелик бўлиб, миллат ҳаётининг барча томонларига даҳлдордир. Миллатлар мавжуд бўлар экан, бу манфаатлар ҳам мавжуд бўлаверади. Уларни ўрганиш ва мумкин қадар қаноатлантириш ўта долзарб вазифадир. Зотан бизнинг ҳамма республикаларимиз кўпмиллатлидир: бизда 50 миллиондан ортиқ киши ўзларининг миллий-давлат тузилмаларидан ташқарида яшайди. Миллий давлатчиликка эга бўлмаган кам сонли халқлар ҳам бор.

Бизда, Ўзбекистонда қрим татарлари ва месхети турклари яшаётганларига 45 йилдан ошди. Тил, дин, миллий характер, маданиятнинг яқинлиги уларни маҳаллий туб халқлар билан яқинлаштирди, қон-қардошлик алоқаларини кучайтирди. Улар республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга анча ҳисса қўшдилар. Республика Олий Советининг Миллий муносабатлар бўйича доимий комиссияси раиси сифатида мен ана шу халқларнинг вакилларини бир неча бор қабул қилдим. Улар Ўзбекистонга бўлган ўз садоқатларини таъкидлаш билан бирга, сталинча ўзбошимчалик натижасида зўравонлик билан қўчириб юборилган Грузия ва Қримга қайтишда ёрдам беришни илтимос қилдилар. Мен уларнинг ҳис-туйғуларини, ватанларни оҳанграбо бўлиб ўзига тортаётганини яхши тушундим. Инсон қалбининг хислати ана шунақа. Бу ўринда ўзбекларнинг «ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл» деган мақолини эслаш жоиздир.

Яқинда Фарғонада бўлиб ўтган воқеалар месхети турклари билан ўзбеклар ўртасида ўнлаб йиллар мобайнида қарор топган муносабатларни сира ҳам ифодаламайди. Бу оғир сабоқ, республикадаги миллий муносабатлар тарихида шармандали саҳифадир. Бунинг устига мазкур воқеа месхети турклари-ни азалги жойларига қайтариш муаммоси кун тартибига қўйилган бир пайтда рўй берди. Биз Ўзбекистонда қрим татарлари ва месхети турклари илгаригидек орамизда яшашларини самимий хоҳлаймиз. Аммо уларнинг ватанларига қайтиш ҳуқуқларини тан олиш ўша халқлар миллий манфаатларини қаноатлантиришда социал адолатнинг рўёбга чиқиши бўлур эди. Бу мураккаб масала бўлсада, уни амалий ҳал этиш вақт ва ўзаро келишувни талаб қилади.

Тил ҳақида бир неча оғиз сўз. Тилларни ривожлантириш учун анча ишлар қилинди. Бироқ уларнинг аҳамияти ва истиқболини тушунишда янглишувларга ҳам йўл қўйилди. Масалан, бизнинг она тилимиз — ўзбек тилининг иш юритишда, фанда, маорифда қўлланилиши мутасил торайиб борди. Бунинг оқибати ўлароқ она тилида йирик илмий ишлар тайёрлашга қобилиятли бўлган олимлар сони қисқарди. Турмушда-чи? Ўзбек миллатига мансуб бўлган кўпгина кишилар ўз тилларида ариза ёзолмай, телеграмма беролмай қолдилар.

Бу ишларнинг на партия миллий сиёсати билан, на рус халқининг интилишлари билан боғлиқлик жойи йўқ. Ўзбек тилининг аҳволидан республикада яшовчи руслар ҳам ғазабланишган. Бу рус халқига, унинг тилига қош қўяман деб кўз чиқариш қабилида хизмат қилган «ашаддий байналмилалчилар», амалпарастларнинг ўта тиришқоқлиги оқибатидир. Ҳозир ўзбек тилига республика давлат тили мақомини бериш зарурати юзага келди. Лекин бу сира ҳам туб аҳоли тилига афзалликлар, устунликлар беришни билдирмайди. Бизнинг мақсадимиз ўзбек тилига қонуний ҳуқуқларини қайтариш, уни қўлланиш доираларини кенгайтиришдан иборатдир. Айни бир вақтда миллатлараро алоқа воситаси сифатида рус тилига, шунингдек Ўзбекистонда яшаб турган барча миллатлар тилининг эркин ривожланишига катта эътибор берилади.

Пировардида миллатлараро кризислар даврида зиёлиларнинг алоҳида масъулиятига тўхталмоқчиман. Ҳозирда миллатлараро муносабатларда кўпгина номатлуб воқеаларнинг ташаббускорлари зиёлиларнинг баъзи бир вакиллари, раҳбар ходимлар бўлганлиги аччиқ ҳақиқатдир. Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ниқоби остида миллий мақтанчоқлик ва миллий худбинликни тарқатиш, тарихни қайта ёзиб чиқишга йўл қўйиш мумкин эмас. Оммани, айниқса ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларнинг миллатчилик ва шовинизм билан заҳарланиши айни шундай бошланади. Одамларимизнинг кўпчилигига миллий ёки диний белгиларга қараб бўлиниш ҳисси бегонадир. Уларнинг асосий шиори — ҳалоллик билан яшаш ва меҳнат қилиш, атрофларидаги одамларнинг ҳаммаси билан нормал инсоний муносабатларда бўлиш.

Мақола бошидаги фикрга қайтаман: миллатлараро муносабатларда социал адолат принципларига изчил риоя этганимиздагина қайта қуришга, ижтимоий ҳаётимизни демократиялашга чинакамига хизмат қилишимиз мумкин. КПСС Марказий Комитетининг миллий сиёсат муаммолари юзасидан платформаси лойиҳаси ҳам бизни ана шунга даъват этади.

Э. ЮСУПОВ,
СССР халқ депутати, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

(«Известия» газетасининг 242-сони).



ҚАРДОШЛАР ДАСТУРХОНИГА

Қашқадарё область Китоб районидаги «Китоб» совхоз заводининг Нуриддин Раҳмонов бошлиқ боғдорчилик бригадаси коллективи бу йил мева ва узумдан мўл-ҳосил етиштирди. Бригада 46 гектар жойда боғ яратган. Шундан 18 гектар ерга узум, 8 гектар жойда шафтоли, 9 гектар майдонда анор ва бошқа маҳсулотлар етиштирилмоқда.

Ҳозир бригада далаларида айни пишиқчилик. Мириштикорлар етилиб пишган меваларни пешма-пеш терib олиб, эл дастурхонига етказиб бермоқдалар. Айни кунларда ҳосил теримида кўпчилик банд. Уларнинг қўлн-қўлига тегмайди. Теримчилар орасида комсомол аъзоси Саодат Эшқобилова пешқадамлик қилаётир. Юқорида илғор ишчи Саодат Эшқобилова тасвирланган.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Гурлан район полизкорлари бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирдилар. Улар Ватанимизнинг марказий районларига, Москва. Свердловск, Кемерово ва Уфа шаҳарларига жўнатиш учун кўплаб қовунтарвуз тайёрлаб қўйдилар. Бу йил ҳаммаси бўлиб, Умуминттифоқ фондига 500 тоннадан ортиқ полиз маҳсулотлари жўнатилади.

Бу йил айниқса, ҳосил мўлжалдагидан - зиёд бўлди. «Правда» колхозининг илғор полизчиси Файзулла Холиқов бошлиқ бригадада 80 гектар ердан ширин-шакар маҳсулот етиштирилди. Коллектив ҳар гектар майдондан 200 центнердан ҳосил йиғиштириб олмоқда.

Суратда: Бригада ишчарачи полизкори Юсупбой Мирзаев ва Файзулла Холиқов.

Ж. БОБОРАҲМАТОВ ва Қ. ОТАЕВ суратлари. [ЎзТАГ].

• *Ўлкамиз ноз-неъматлари*



ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН

«Бизнинг анкета»га жавоблардан сатрлар

⊙ Миллий масалани оддий ишчи, колхозчилар эмас, балки «миллионер бойлар», амалпарастлар сохталаштирмоқдалар. Уларга қарши аёвсиз ўт очиш керак.

Газета халқимиз дилидаги гапларни айта ва ёза олсин, Баландпарвоз гаплардан, жимжимадор сўзлардан қочинг, оддий тилда ижод қилинг.

А. САФАРОВ,
Сариосиё район, ўқитувчи.

⊙ Советлар бу совет халқи демакдир. Халқ учун қайғурмаган раҳбар раҳбар эмас. Уларни аямасдан танқид қилинг.

Газетангиз кўпроқ ҳақиқатни ёзсин. «Бюрократ» деган рубриканн таклиф қиламан.

М. ТОШМАТОВ,
Марғилон шаҳри, техник.

⊙ Республикамизнинг саноат, қурилиш, транспортида ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида камчиликлар жудаям кўп. Ана шулар ҳақида бонг уринг. Яхши-яхши фельетонларни кўпайтиринг.

Бўйруқбозларни, кишиларга тўраларча муносабатда бўлганларни қаттиқ танқид қилинг.

С. АҲМЕДОВ,
Бахмал район, шифокор.

ЁЛҒОН ВАЪДА

Утган йил ноябрь ойида 1989 йил учун «Совет Ўзбекистони» газетасига ва яна тўртта нашрга обуна бўлган эдим. Ушандан буён бирорта ҳам газета ололмай овора-ю сарсонман. Турар-жойимдаги алоқа бўлимига, район «Союзпечать» агентлиги бошлиғи Ҳ. Эшоновга, Гагарин номли совхоз директори Ш. Хўжаевга, партком секретари М. Ғозихўжаевага ҳам учраштим. Улар уч-тўрт кун ичида газеталар уйингизга бориб қолади, деб ёлғон ваъда бериб, хотиржам қилишдан нарига ўтишмади. Газета ва журналларга обуна қилишдек муҳим масалага нега бундай лоқайд қарашади! Бундай аҳволда бу йилги нашрларга қандай қилиб обуна бўлиш мумкин!

З. ОРИФЖОНОВ,
Калинин район.

Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси—умумхалқ муҳокамасида

Таклифлар инобатга олинади

«Меъёр деган тушунча нафақат саноатда, нафақат ишлаб чиқаришда, нафақат пахта режасини бажаришда, ҳатто тилни ўрганишда ҳам бузилган экан. Демак, ҳаммасига биз ўзимиз айбдормиз, лоқайдлигимиз, дунёни иш ва оила ташвишигина деб тушунишимиз айбдор!

Қадрсизланаётган қадриятларимизнинг мавқеи қайтишига, юқори чўққиларга етишига ишонч — имоним комил. Шундай статусга эга бўлайликки, келажак авлод бизларга таҳсинлар ўқишсин...»

Биз бу сатрларни марғилонлик тил фидойиси Х. Юсуповнинг мактубидан олдик. Унинг қуюнли ёзишича бор. Республикамизнинг партия, совет ташкилотларига, матбуот органларига келаётган юзлаб, минглаб мактубларнинг мазмун ва мундарижаси ҳам деярли худди шу йўсинда.

Муқимий номли ўзбек давлат музикали театрининг бош хормейстри К. Саъдуллаев трамвайдаги йўловчилар суҳбатини айнан келтиради:

«— Дилька (Дилором демоқчи), кеча папам менга зўр басаножка олиб келиб берди. Как раз менинг размерим экан.

— Свети қанақа экан?

— Коричневий».

Ҳақиқатан шундай саволжавобни ҳар куни тинглашга тўғри келади. Бироқ уларнинг суҳбатига қўшилишга ботинолмаймиз, лоқайдлик қиламиз. Нега?!

Тил — қурол. Бизларнинг ҳар биримиз бу алоқа қуролига меҳр-муҳаббат билан ёндашишимиз, ўз тилимизни ҳам, бошқа тилларни ҳам ҳурмат қилишимиз керак. Икки-уч тилни аралаш-қуралаш ва билиб-билмай ишлатишимиз ғирт маданиятсизлик.

Ўзбек тилининг алоқа саҳнасидан бироз бўлса-да четлашиб қолганига ҳаммамиз ва ҳар биримиз айбдормиз. СССР халқ депутати, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Э. Юсуповнинг марказий матбуот саҳифаларида ўзбек тилининг иш юритиш, фан, таълимда кам қўлланилиши оқибатида олимларнинг ўзбек тилидаги йирик илмий ишлари қисқарганлиги ҳақида куюнib ёзгани айни ҳақиқатдир. Бу фикрни «Фан» нашриётида чоп этилаётган асарлар хусусида ҳам кўриш мумкин. Биз шу кунгача нашриёт томонидан чоп этилган асарларнинг 18 фоизинигина она тилимизда ўқирдик. Энди-чи? Бугунги кунда нашриётга илмий ишларнинг 70 фоизини ўзбек тилида чоп этишга рухсат берилган. Афсуски, ўз она тилимизга бефарқ қараб, уни яхши ўрганмаганлигимиз, меҳр қўймаганлигимизнинг касрига қоляпмиз. Гап шундаки, айрим фанлар ва соҳалар бўйича ўзбек тилида ёзилган монографиялар, тадқиқотлар бармоқ билан санарли.

Демак, кўпчилик мактуб муаллифлари ҳақли равишда ёзгани сингари, биз ўзбек тилининг қонуний ҳуқуқини олиб беришимиз, унинг қўлланиш доирасини кенгайтиришимиз лозим. Шу билан бирга рус тили, республикада истиқомат қилаётган бошқа миллат вакилларининг тилини ҳам камситмаслигимиз керак.

Қонун лойиҳаси муҳокамаси бўйича келаётган мактубларнинг таклиф ва мулоҳазаларида ишчи гуруҳи сафини кенгайтириш зарурлиги таъкидланади. Бу мулоҳазалар инобатга олинди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институти директори Б. Назаров ишчи комиссиясига раҳбарлик қилаётир.

Бугунги кунда ишчи комиссияси меҳнаткашларнинг таклиф ва мулоҳазаларини синчиклаб ўрганиш билан банд. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумидаги ҳоналардан бирига ана шу ишчи комиссияси жойлашган. Бу ерда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институти олимлари, етакчи мутахассислар Тил комиссиясига келаётган хатлардаги таклиф ва мулоҳазаларни ўрганмоқдалар.

Биз Тил ва адабиёт институти кичик илмий ходими С. Шодмоновни иш устида учратдик.

— 1 сентябргача республика Олий Совети Президиумига 4,5 мингдан ортиқ хат келди, — деди у. — Шу давр мобайнида 400 дан ортиқ мақола республика ва область матбуотида ёритилди. Радио ва телевидениеда ҳам Қонун лойиҳаси муҳокамасига кенг ўрин берилаётир. Республика министрликлари, идоралари ва ташкилотлардан келаётган мулоҳазалар ҳам кенг ўрганилмоқда. Ҳар бир хатдаги таклиф моддалар бўйича умумлаштирилаяпти.

Қонун лойиҳаси муҳокамаси бўйича меҳнаткашларнинг овози қай йўсинда янграмоқда. Хатларнинг кўпчилигида Ўзбек тилига давлат мақомини бериш зарурлиги таъкидланади. Шу билан бирга Қонун лойиҳасининг сарлавҳасини ўзгартиришга урғу берилган. Аксарият хатлар эса 13- ва 14-моддалардаги қонунлар Ўзбек тилида қабул қилиниши тўғрисида истак билдирганлар.

Тил фидойилари ўзбек тилига давлат мақомини беришга бевосита даҳлдор депутатларни ҳам билишни истайдилар. Депутатлар ишчи группасига Миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия масалалари бўйича комиссия раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси вице-президенти Э. Юсупов раислик қилаётир. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари — Олмалиқ шаҳар партия комитети биринчи секретари А. Абдувосиқов, Тошкент шаҳридаги 2-автобус парки шофёри Э. Азаматов, Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениеси раиси Б. Жалолов, «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-босмахона ҳарф терувчиси О. Егорова, Тошкент олий партия мактаби ректори М. Искандаров, республика «Билим» жамияти раисининг ўринбосари С. Қурбонов, «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетаси муҳаррири Ш. Ниёзов, Тошкент область партия комитети иккинчи секретари Р. Попов, «Ленин байроғи» газетаси муҳаррири Н. Умеров Тиллар ҳақидаги Қонун лойиҳаси бўйича келаётган ҳар бир таклиф, мулоҳазаларни синчиклаб ўрганмоқдалар ва умумлаштирмоқдалар.

Қонун лойиҳасига юборилаётган хатлардаги ҳар бир фикр, мулоҳаза ва таклиф инобатга олинади.

Олий Совет Президиуми хоналаридаги телефонлар тинимсиз жиринглаб турибди. Уларда айрим кишилар лойиҳа бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини Президиумга шахсан топшириш истагини билдирадилар. Бунинг учун ҳам шароит яратилган. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қабулхонасида алоҳида хона ажратилган. Лойиҳа бўйича таклиф-мулоҳазаларни шахсан топширмоқчи бўлган тил фидойилари Тошкент шаҳар, Намойишлар хиёбони, 5-уйга учрашишлари мумкин.

М. ПИРМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

«02» ХАБАР ҚИЛАДИ

ЮЛҚУВЧИЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Кейинги пайтда талончилик кўринишларидан бири — буюмларни юлқиб қочиш ҳоллари тез-тез кузатилмоқда. Тошкент шаҳар қўналғаси майдонида Тожикистондаги мактаб-интернат ҳисобчиси С. Пак қўлидан икки номаълум киши сумкани олиб қочди. Унда 2 минг сўм пул, 9 минг сўмлик аккредитив бор эди. Навоий кўчасидаги 2-«а» уй олдида номерсиз «Ява» мотоциклига минган икки йигит ТошДУ ходими А. Эргашевни дорда қолдиришди. Мотоциклчилар ҳеч нарсадан шубҳаланмаган А. Эргашев қўлидан папкани тортиб олишди. Папка ичидаги 1741 сўм пул ҳам улар қўлида кетди.

Чилонзор районн Гагарин кўчасидаги 66-уй олдида 294-болалар боғчаси хўжалик мудираси В. Савельева қўлидаги сумка бегона киши томонидан олиб қочилди. Боғча ходимларига тўланиши лозим бўлган 2448 сўм пул сумкада олиб келинаётган эди. Шота Руставели ва Абдулла Қаҳҳор кўчалари кесишган чорраҳа бурчагида тўқимачилик комбинати бўёқчиси 270 сўм пули ва сумкасидан ажради.

КУНИНГ НОМАРДГА ҚОЛМАСИН

Яқинда олмалиқликлар электр тармоқларининг сохта ходими иш кўраётганидан хабардор бўлишди. Ленин кўчасидаги уйлардан бирининг эшигини пешинда кимдир тақиллатди. Уй эгасининг қизи электр ҳисоблагичи рақамларини кўздан кечиришни истаган «амакиэни ичкарига киритди.

Сохта монтёр қизчанинг қўлларини боғлаб қўйди. Сўнгра хотиржамлик билан ўзининг асл ҳунарини ишга солди. Япон магнитофони, 4 дона кассетани ўмаргани етмай, боланинг овунчоғи — қизил рангли Десна велосипедини ҳам олиб кетди. Шунга айтсалар керакда, кунинг номардга қолмасин деб.

ЎҒРИБОП ҚОРОВУЛЛАР

Олмалиқ шаҳридаги «Гранит» кооперативи раҳбарлари ҳали битмаган бинода касса очишди. 8 август куни ҳеч қандай қўриқлаш воситалари билан жиҳозланмаган кассага банкдан 50 минг сўм пул келтирилди. 9 августга ўтар кечаси уч номаълум киши кооператив ҳисобхонасига кириб уйқусида ширин тушлар кўриб ётган қоровул О. Борисқинни боғлаб ташлашди. У оромини бузганларга норозилик билдиришга улгурмасдан ўғрилар пул сақланаётган темир қутини кўтариб, кўздан ғойиб бўлишди. Бузиб очилган қути ғишт заводи жойидан топилди. Табиийки, унинг ичидаги 50 минг сўмдан ном-нишон ҳам қолмаганди.

11 август куни кечқурун Тошкент шаҳрида «ЭПО» кооперативи қоровули А. Югай ҳам ўзининг ўғрибоплигини намойиш этди. У спиртли ичимликдан тўйиб отиб олгач, қаттиқ пинакка кетди. Фаразли ниятдаги кимсалар бундан фойдаланиб қолишди. Улар кооператив раиси хонасининг деразасини синдириб, ичкаридаги темир қутини бузишди ва 40 минг сўм пулни ўмариб кетишди. Самарқанд область Сиёб районидаги қурилишбоп материаллар комбинати қоровули И. Розиқов ўзига ажратилган хонада ўтирганда, кимдир қўриқлаш воситасини узиб, касса эшигини бузди. Ўғирлик юз берганн сезилиб, текшириш бошланганда, темир қутидан ишчи-хизматчиларга маош сифатида тарқатилмай қолган 25 минг сўм пул гумдон бўлганн аниқланди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари томонидан ўғирлик юз бериши олдн олинмаётгани оқибати яхшилик билан тугамаяпти. Шу йилнинг етти ойида давлат ва жамоат мулкини ўғирлаш билан талон-торож қилиш 2752 бор содир этилди. Бу ўтган йилнинг тегишли муддатига нисбатан 44,2 фонзга кўпдир.

АЛЬЖАННИ КЎРГАН БОРМИ?



1988 йил октябрь ойидан бери дом-даракси йўқолган Альжан Раҳимбекович Аҳилбеков республика ички ишлар идоралари томонидан қидирилмоқда. У 1965 йилда Чимкент область Жетисой шаҳрида туғилган бўлиб, 1988 йил 15 октябрь куни Бухоро область Мурунтов посёлкасидан номаълум томонга кетган. А. Аҳилбеков геология экспедициясида ишларди.

Белгилари: бўйи 165 см, кўринишдан 20—25 ёшларда, юзи чўзинчоқ, сочлари қора ва калта, қошлари ёйсимон, ияги чиққан, кўзлари қора, тили чучукроқ. Жигарранг телпак, кўк куртка, жигарранг туфли кийган эди. А. Аҳилбеков ҳақида билганларингизни «02» рақамли телефон орқали энг яқин милиция бўлимларига хабар беришларингизни сўраймиз.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
Республика ички ишлар министрлигининг матбуот марказн ходими, милиция капитани.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУХБИР»—«КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг август ойи сони босмадан чиқди. У Ўзбекистон Журналистлар союзининг яқинда бўлиб ўтган пленуми ҳақидаги хабар билан очилади. «Халқ депутати» сарлавҳали лавҳа СССР халқ депутати, фарғоналик журналист А. Ҳусановнинг ижодий фаолиятига бағишланган.

Интернационализм — «Мухбир» — журналининг доимий мавзуси бўлиб қолди. Журналист Т. Жамоловнинг шу масалага бағишланган «Дўстлик риштаси» сарлавҳали мақоласида мирзачўллик қаламкашларнинг ижоди тўғрисида сўз юритилган. Ю. Попов ўзининг «Маҳорат мезони» сарлавҳали мақоласида «Ҳозирги замон журналисти, ҳамкасбимиз ким ўзи?» деган саволга ҳар томонлама жавоб беришга интилади. «Мухбир»нинг анкетаси саволларига жавоб йўллаган ёш журналистлардан И. Короткихнинг «Сўзингни тинглай олишсин», О. Стрельниковнинг «Ижод қилиш осон эмас», А. Замшеванинг «Газета сўзининг обрўси ва қудрати» ва Б. Насимовнинг «Журналист доим ўқиб ўрганади» сарлавҳали мақолалари ҳам журналист касби ва маҳорати ҳақида сўз юритилади.

Район газеталарининг давлатдан дотация олаётгани, айрим газеталарга обуна сони камайиб кетаётгани жиддий муаммога айланди. А. Қурбоновнинг «Район газеталарининг муаммолари» сарлавҳали мақоласи шу масалага бағишланган. Автор унда турли газеталар мисолида вужудга келган ана шу муаммони ҳал қилиш йўлларини кўрсатади. Ф. Хусановнинг Тошкент тўқимачилик комбинати «Тўқимачилар овози» кўптиражли газетасининг ишчилар ҳуқуқини қандай ҳимоя қилаётгани ҳақидаги материали ҳам қуйи матбуот муаммоларига бағишланган.

• Воқеалар • Хабарлар • Шарҳлар • Якшанба саҳифаси •

АХБОРОТ

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

• *Қардошлик*

ДЎСТЛИК ТАРОНАСИ

Қардош Қирғизистоннинг Ўш область ўзбек музикали драма ва комедия театри коллективи Хоразм воҳасида меҳмон бўлди. Қирғизистон ССР халқ артисти Толибжон Бадинов бошчилигидаги санъаткорлар Хонқа, Хива, Қўшкўпир, Шовот, Гурлан ва Урганч районларида «Дўстлик байрами» программаси бўйича чиқишлар қилиб, мухлисларни хушнуд этдилар. Ўзбек, қирғиз, қорақалпоқ ва туркман шоирларининг шеърларига басталанган куй ва қўшиқларда қардошлик, дўстлик ва Ватан мадҳ этилди. Якунловчи катта концерт Огаҳий номидаги театр саҳнасида намойиш этилди. Хушовоз хонандалар Расулжон Ураймжонов, Ҳамидулла Матқолиқов, Ҳурсаной Худойбердиева, Умаржон Маъмуровларнинг чиқишлари кўпчиликка маъқул бўлди.

А. ЭШМАТОВ.

• *Ҳамкорлик*

УЧ МАМЛАКАТ КЎМАГИДА

Тўрақўрғондаги қуруқ меваларни қайта ишлаш «Концентрант» комбинати коллективи янги мавсумни бошлади. Дастлабки 300 тонна маҳсулот Шимол ва Сибирь районларига жўнатилди. Комбинат шароити яхшиланмоқда. Ҳозир кишмишни қайта ишловчи автоматлаштирилган линия монтаждан чиқарилган. АҚШнинг «Сандвик процесс системз», Италиянинг «ФМС интернэшнл» фирмаларининг мутахассислари техниканы созлаш ишларини ниҳоясига етказишмоқда. Янги линия фойдаланишга топширилгач меҳнат унумдорлиги ортиб, ишлаб чиқариш ҳажми йилига 18 минг тоннагача етади. Корхонада шунингдек, «Шарқ эвараворлари»ни қадоқлаш ҳам ўзлаштирилмоқда.

А. АНДРЕЕВ.

• *Юрган дарё*

АНДИЖОН—ТОШКЕНТ—ВЛАДИВОСТОК

Узоқ Шарқда биринчи сафарим менда ажойиб тассуротлар қолдирди. Владивосток океани мавжланиб турган ажойиб маскандаги кўркам шаҳарлардан экан. Шаҳар кўчаларн серқатнов ва гавжум. Ҳаммаёқ батартиб ва озода. Узоқ Шарқда Совет докимиятини ўрнатиш учун курашганлар хотираси шарафига ўрнатилган ёдгорлик улуғворлиги билан диққатни тортади. Бу ерда руслар, украинлар, белоруслар, яҳудийлар, ёқутлар ўзаро аҳил ва хайрихоҳликни кўзга ташланади. Шаҳарда армия хизматини ўтаётган ўзбек йигитларини учратиш мумкин. Олтинкўл районидан Тўлқинбой Тожибоев билан Абдусамад Сиддиқов матросча кийимда менга ҳамроҳлик қилдилар.

Т. ҲОТАМОВ.

• *Ягона оилада*

БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР

Республикамизда 18 минг шифокор етишмаётганн туфайли бу йилдан бошлаб мавжуд медицина институтларига қабул қилинган талабалар сони кўпайтирилди. Бунинг учун РСФСР ва Украинанинг медицина олий ўқув юртларида таълим олишга қабул эълон қилингани маълум. Белгиланган ўринлар учун талабгорларнинг билимлари синаб кўрилди. Лаёқатли ёшлар сараланди. Бугунги кунда эса Украина медицина институтида 200 нафар, РСФСРнинг 27 шаҳридаги медицина институтларида 1175 нафар талаба янги ўқув йилини бошлаб юборди.

А.ЭРГАШЕВ

• *Бунёдкорлик*

НАМАНГАН ТЕЛЕМАРКАЗИ

Утган йили қарорга келинган эди. У ҳозир муваффақиятли амалга оширилмоқда. Лойиҳа ишлари ниҳоясига етказилаяпти. Телевизион марказ Энгельс кўчаси билан Роза Люксембург кўчаси кесишган жойда, радио уйининг рўпарасида қад ростлайди. Телемарказ кўп қаватли бўлиб, унда техника комплекси ва студия ҳамда баландлиги 45 метрли телеминора бунёд этилади. Телемарказни турли ускуналар билан жиҳозлаш учун чет мамлакатлар билан алоқа ўрнатилган. Марказнинг қурилиши 1992 йили тугалланади.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Қонуннинг миллий тенг ҳуқуқлиликни бузиш тўғрисидаги моддаси биринчи марта қўлланилди.

Конибодом тормоз аппаратлари заводининг ишчиси Илҳом Маҳмудов «руслари ҳайдаб чиқарайлик ва адабини берайлик» деган чақириқ сўзлари ёзилган плакатни илаётганда одил суд қўлига тушиб қолишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Лекин Конибодом ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари бадхат битилган миллатчилик кайфиятидаги маҳсулот муаллифини тезда топиб олдилар. Дастхат экспертизаси хулосасига кўра, фош этилган «соф миллий республиканинг миллий тарафдори» ўзини оқлашга ҳаракат қилди. У гўёки рус йигитлари томонидан калтакланган, аламини ютиб юрган, шунинг учун ўч олмоқчи бўлиб юрган эмиш. Унинг шу арзиси бўйича суд-медицина экспертизаси-текширув ўтказди. Текширишда унда бирон-бир калтакланиш асорати йўқлиги аниқланди. Лениноабод область судининг жиноий ишлар бўйича суд коллегияси Маҳмудовни Жиноят кодексининг «Миллий ва ирқий тенг ҳуқуқлиликни бузганлик тўғрисида»ги 71-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилишда айбдор деб топиб, унга мазкур модда бўйича бир минг сўм ҳажмида жарима солди.

Конибодомликларнинг кўпчилиги бу жазони маъқуллади-лар: шу вақтга қадар миллатчилик кайфиятидаги кишилар жазосиз қолиб кетаверар эди. Бу миллий ва ирқий тенгликнинг бузилиши тўғрисидаги модда республикада қўлланилганини кўрсатувчи биринчи ҳодисадир.

В. ЮРЛОВ,
газетанинг ўз мухбири.
Тожикистон ССР.

[«Социалистическая индустрия» газетасининг 1989 йил 1 сентябрь сонидан.]



Сўзсиз сурат.

ШАТРАНЖ ОЛАМИДА. Юрист қоралардан. Энг яхши йўлни топинг.

А. ҲАКИМОВ расми.

ШУКУРОВКА ПАҲЛАВОНИ

Қадимий Курск диёрида бир қишлоқ бор. 45 йилдирки, уни Шукуровка деб аташади. Бу ном Ўзбекистондик қаҳрамон шарафига қўйилган. 1943 йил ёзидаги жанглар пайтида 336-ўқчи полк пулеметчиси Аҳмаджон Шукуров мудофаа қилинаётган Золоторёвка қишлоғига биринчи бўлиб кирган эди. У ўз пулеметидан ўт очиб, 60 фашистни ер тишлатган. Кейин снаряд портлаб, пулемёти ишдан чиққач, душман пулеметидан ўқ сочa бошлаган.

Ана шу жасорати учун фарғоналик жангчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, Золоторёвка қишлоғи Шукуровка, деб юритилади-ган бўлди. Яқинда Киров районидаги Шоберди қишлоғида ўзига хос тантана бўлди. Қишлоқ аҳли қаҳрамоннинг 80 ёшини муборакбод этди. Ўзига хос тўйга Курск шаҳридан ҳам меҳмонлар-таъриф буюришди.

А. ИВОДИНОВ.

Тошкент билан биродарлашган АҚШдаги Сиэтл шарафига Шота Руставели кўчасида бунёд этилган Тинчлик боғи доимо гавжум бўлади.

Суратда: Ўзбекистон ССР халқ артисти Малика Аҳмедова Тинчлик боғида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.

1933 йил.

«Советская энциклопедия» редакцияси менга янги бир вазифа топширди: ҳасадгўй маҳаллий «авербаҳлар»[1] томонидан жабр кўрган ўзбек шоири ва драматурги Чўлпон биографиясини ёзиб келишимни илтимос қилди.

Кечқурун мен уни қидириб топдим. У, Мешчанская[2] кўчаси охиридаги эскириб қолган икки қаватли бир уйда турарди. Ҳовлисида эски-туски қақир-қуқирлар қалашиб ётибди, квартирада водопровод ва бошқа қулайликлар ҳам йўқ. Аммо уй ремонт қилинган, озодагина. Столчада Будагговнинг турк тиллари луғати ётибди. Полга катта гилам тўшалган ва унда кичкинагина хонтахта ҳам бор. Хонтахтада ўтириб овқат ейилади.

Чўлпон биографиясини сўзлаб берди. Мен шу ондаёқ ёзиб олдим. Гап орасида у шундай бир воқеани ҳам айтиб берди:

— Ёшлик чоғларимда отам Фарғонада газмол билан савдо қиларди. Отам ўта мусулмон табиат бўлиб, муллаларга ихлоси жуда баланд эди. Мени ҳам муллавачча қилиб ўстиришни орзу қилиб мадрасага ўқишга берди. Мадрасада бир одам билан танишиб қолдим, у менга катта таъсир кўрсатди. Бу одам бутун қўръонни ёд биладиган катта олим, «мударрис» деган юксак унвонга эга эди. У асли турк бўлиб, пантуркистик ва панисломистик таълимотларни ёйиш мақсадида Истамбул пантуркистлари марказидан Хитой Туркистонига юборилган ва шу таълимотни тарғиб этиш учун Фарғонада қўнган эди. Мана шу одам мени катта ҳаётий муаммолар билан ошна қилди, менда адабий, сиёсий ишларга қизғин ҳавас уйғотди.

Мадрасадаги дарсда қўръонни ёдлатишади, мен уни дарҳол эсдан чиқараман. Дарс тугаши билан чопиб кўчага чиқаман-у янги газеталарни оламан. Шундай қилиб! «мударрис» бўлиш ўрнига мен ўзбек миллий ўқувчиси бўлишга қарор бердим ва отамдан ҳам, муаллимдан ҳам қочиб Тошкентга келдим-да, шеър ва ҳикоялар ёзиб журналларга бериб юрдим.

1. Леонид Авербах. — ўша йилларда РАППнинг Бош секретари эди.

2. Мешчанская кўчаси — ҳозирги Проспект Мира кўчаси.

У вақтларда биз ҳамма ўзбек ёш ёзувчилари Фитрат таъсирида эдик.

Фитрат шу кезларда эски араб-форс формалари ва шаблонлардан қутилиб, халқнинг реал, жонли сўзлашув тилида ёза бошлаган эди.

Фитрат ҳам худди Чўлпондек ўзбек РАППчилари томонидан таъқиб қилинади, аммо у йирик темалар устида қаттиқ ишлашни давом эттираверади...

Чўлпон долзарб темада яна иккита пьеса ёзади. Булар Тошкент ва Фарғона Давлат театрларида муваффақият билан

МУДАРРИС БЎЛМАГАН ШОИР

(В. ЯН хотираларидан)

қўйилади, аммо Зиё Саиддинов унга қарши курашиб, пьесаларни саҳнадан олдириб ташлайди. У ҳатто шунгача борадики, Фарғонада пьесанинг муваффақият қозонганлигига сабаб — режиссёр Уйғур билан Чўлпон авторни чапак чалиб саҳнага чақириш шарти билан томошабинларга пулсиз билет тарқатишди, деган гап тарқатади. Уйғур бунга жавобан матбуотда раддия билан чиқиб, Фарғонада ҳеч қандай бепул билет тарқатилгани йўқ деб таъкидлайди.

(7 октябрь).

Кечқурун Чўлпон ҳузурида бўлдим. У ош дамлабди. Ошни примусда қилиш жуда қийин. Чўлпоннинг ёшгина рус хотини бўлиб, уни «Катинка» деб атар, Катинка эса, эскигина, жиҳозларининг мазаси йўққина уйдаги кичкинагина хонага шарқона файз киритишга зўр бериб уринар эди.

Шоир Шенгели хотини билан келди. У Ўзбекистон ва Туркманистондаги қурилишларга бағишлаб ёзган янги шеърларидан ўқиб берди.

Чўлпон биринчи қадаҳдан кейиноқ очилиб кетди. У Шарқ шоирларининг шеърларидан ўқир, қўшиқлар айтарди. Айрим сатрларга шарқона халқ латифаларини қўшиб юборар, баъзиларига фавқулодда ҳажвий руҳ бериб ҳаммамизни кулдирар, Хўжа Насриддин ҳақидаги ажойиб латифалардан айтиб берар эди.

Мазкур латифалар менга янги бир ҳажвий пьеса — буффонада сюжетини ўйлаб олишга туртки бўлди. Хаёлимда янги пьеса учун ўз ўтмишини яшириб колхозга кириб олган яна бир эшон ва қишлоқ табиби образлари гавдаланди.

Биз Чўлпон билан бирга ёзган «Ҳужум» пьесаси таъқиқлаб қўйилган эди, ҳозир яна клубларда қўйила бошлабди. Буни бизга ўз кўзи билан кўрган бир ўзбек айтиб берди. (В. Ян Чўлпон билан ҳамкорлик ҳақида гапирганда «Ҳужум»нинг ўзбекча вариантини кўзда тутади. Яннинг пьесасини таржима қилатуриб, Чўлпон асарга бир саҳнани ўзи ёзиб қўшиб юборган эди. А. А.).

(6 декабрь).

1942 йил.

Кечқурун ўзбек опера ва балет театрига бориб Фарғона канали қурилишига бағишланган «Улуғ канал» спектаклини кўрдим. Театр залининг учдан икки қисми бўм-бўш. Катта, ажойиб театр, бу ерда жуда яхши асарларни қўйса бўлади.

* * *

Биз юқорида В. Яннинг Чўлпон ҳақидаги хотиралари ёзилган кундаликдан қўлимизга киритилган парчаларнигина келтирдик. Ундаги айрим изоҳлар ва эслатмаларнинг яна аниқланиши кераклиги сезилиб туради. Эҳтимол, бунга ҳам эриши насиб бўлар, лекин шундайлигича ҳам бу фактдан икки буюк сиймо ўртасидаги ижодий ҳамкорлик ва самимий дўстлик алоқалари нақадар пок бир ниятга асосланган аниқ кўринади. Бу етук зиёли тушунчасидаги интернационализмнинг туб моҳиятидан келиб чиқади. Зотан, Ян билан Чўлпон ўртасидаги дўстона муносабатлар муттасил давом этади, буни яна бир факт билан таъкидлаш мумкин. Ҳар ҳолда республикамиз адабий жамоатчилиги орасида баъзан Чўлпонга ноўрин ҳужумлар бўлиб тургани ва бу воқеаларга Яннинг самимий муносабатлари, позицияси кундаликда аниқ баён қилинган. Ниҳоят, «Энциклопедия» редакциясининг ҳам Чўлпон биографиясини ёзишни Янга топшириши бежиз эмас. Редакция раҳбарлари мазкур ёзувчилар ўртасидаги муносабатлардан яхши хабардор бўлганлар.

Парчани филология фанлари номзоди А. АЛИЕВ тайёрлади.



• *Юз йил муқаддам*

БУХОРО БАНКИ ХУСУСИДА

«Московские ведомости» деган газетда ёзилубдирким, ул иш бе шак Бухоро мамлакатига фойда келтурса керак, нечукким Бухорода кўб пахта ва шолн ва ипак ва жун ва бошқа нарсалар қилишадур. Лекин ул нарсаларнинг савдоси кўб етадурғон эмас. Бухорода нақд пулга савдо қнлувчн ушоқ савдогарлар ривожликдур. Лекин Бухоро савдогарлари катта дастмояларга молик эмасдур, шул сабабдин олар ўз молларн бирлан катта савдо қилиб ва ул жойнинг судхўрларндин пулни юзарага оладурлар ва судхўрларда ҳам катта дастмоя йўқдур. Шул сабабдин савдони айтадурғон ривожи йўқдур. Бухородa подшоҳлик банкининг очилиши Бухоро фуқороларнининг эҳтиёжини дафъ қилиб, ул мамлакатда ҳар хил нарсаларни қилмоқ ва экмоққа ва кўпайтмоққа сабаб бўлуб, ул мамлакатлик аҳволнин яхши бўлишига боис бўладур.

Андин бошқа Бухоро бозорларига Урта Осиёдаги мамлакатлардин ҳар хил матолар келадур: чунончи, Порсистон, Афғонистон, ҳатто Ҳиндистондин мол келуб туродур. Ул молларнинг ўрнига Бухоро савдогарларидин Россия мамлакатндин келган фабрика ва заводларда қилинган матолар олинадур. Урта осиёлик ул тарққа ўрта бозорларида пул бир бош тўғри фойдада бўлғандин кейин Бухороннг савдоси кўб ривож бўлиб кўпайиб қоладур».

«Туркистон вилоятининг газети», 1889 йил.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ тўплаган.

• *Табиат саховати*

Мазкур асар 1463 йили Неъматуллоҳ ибн Муғасиддин Муҳаммад ибн Фахруддин Муборакшоҳ Ҳаким Ал-Кирмоний томонидан ёзилган. Ҳаким Кирмоний табиб, шоир ва файласуф эди. Бағзларда Ҳакимий таҳаллуси билан ғазаллари учраб туради. Мазкур асар уч мақола (китоб)дан иборат бўлиб, биринчи мақоласи сода дорларнинг хоссиятларини очиб беришга бағишланган. «Наштари ишқ» номли тазкирада мувалліф Ҳаким Кирмоний шеърнятда буюк шоир, табобатда иккинчи Ибн Синодек қадр топган. Бу ажойиб асар ҳалн ўз тадқиқотнни кутмоқда.

Ҳозир боғлар ва далаларимизда мева-чевалар гарқ пишган. Уларда эса бекиёс давo яшнрнпган бўлиб, бу кўпчиликка маълум эмас. Биз ана шуларнинг баъзилари ҳақида «Бахр ал-ҳавос» дан намуналар бермоқдамиз.

ҚОВУННИНГ ХОСИЯТЛАРИ БИТТИХ — форсча қарбуза, туркча қовун ва ҳиндча лўст дейилади. Етилиб пишгани латиф жавҳар, ҳоми эса ғамиз жавҳардир. Бироқ ҳар иккови ҳам пешоб ҳайдовчи ҳисобланади. Нақл қилинишича, Набийи арабий айтган: «Шкрин қовун гўштни кўпайтиради, ширин ва бемаза ўртасидагиси ёғни кўпайтиради, бемазаси эса бавосилга қарши фойда қилади». Диоскуридус айтади: «Қовун эти сийдик ҳайдайди, кўзнинг иссиқ шишига қарши боғланса оғриқ қолдиради». Жолинус айтади: «У ҳўл совуқдир, юзга суртилса, юз доғини йўқотади, жило бериш кучи ўзига нисбатан, уруғида кўпроқ. Доимий ейишдан ёмон хилт (суюқлик) пайдо бўлади. Қовун ейилса ва орқасидан таом истеъмол қилинса баданга яхши овқат бўлади. Ортиқча ейиш хушдан кетишни пайдо қилади.

...Айтадиларки, қовун етмиш иллатга, масалан, маҳов, пес, жиннилик кабиларга давo бўлиб, уларни бадандан ҳайдаб чиқаради, танга шифо ато қилади, буйрак ва қорнини ювади, пушт сувн ҳамда жинсий қувватни оширади, юз рангини очади ва баданни семиртиради. Шайх (Абу Али ибн Сино) айтади: «Қовун меъдада бузилса, заҳарга айланади, бундай ҳолда бирор чора билан уни меъдадан чиқариш зарур. Агар бузилмаса, ошқозонда қандай хилт (суюқлик) кўп бўлса, қовун ҳам ўша хилтга айланади». Абул Аббос айтади: «Унинг уруғини янчиб, сув солиб, ичқаб, сўнг ичилса, кўкрак оғриғи ва иссиқ яллиғ билан кечувчи йўтални йўқотади, сафродан юз берган иситма ҳамда жигар иссиқлигига қаршн фойда қилади, тиқилмаларни очади, буйрак ва қовуқ йўлларини сийдик ҳайдаш орқали тозалайди». Исроилий айтади: «Унинг янги пўстидан олиб, ҳаммомда юзга суртилса, юз терисини тозалайди. Қовун ҳиди мияга ҳўллик ато қилади. Унинг қуритилган пўстини янчиб, қозонга солинса, қаттиқ гўштни тез юмшашига сабаб бўлади. Муҳаммад Закариё айтади: «Иссиқ мижозли кишилар қовун ееганда (унинг зарарини йўқотиш учун) сиканжубин ичишлари ёки аччиқ анор ейишлари керак. Совуқ мижозлилар эса кундур ёки занжабил ҳазм дорисидан истеъмол қилишлари керак. Қовун ва асални аралаштириб еб бўлмайди».

ТАРВУЗНИНГ ХОСИЯТЛАРИ БИТТИХИ ҲИНДИЙ — у икки нав бўлиб, форслар ҳиндавона, турклар ҳарбуз ва тарвуз дейдилар. Муҳаммад Закариё айтади: «Тарвуз баданга ҳўллик берувчидир, ундан ширин балғам ҳосил бўлади, куйдирувчи иссиқ иситмага қарши наф қилади, иссиқ мижозни ўзгартириб, тартибга туширади. Сувли қон ҳосил қилади».

ЎРИКНИНГ ХОСИЯТЛАРИ МИШМИШ — форсча зардолу, туркча ўрик дейдилар. Жолинус айтади: «Ҳўл-совуқдир, у шафтолидан яхшироқ бўлиб, меъдада шафтолича-лик фасодга айланмайди». Муҳаммад Закариё айтади: «Бир кишининг ўзидан бадбўй ҳид келарди, ўрик ееч, йўқолди. Ўрик меъдани совитади, ҳароратни сўндиради, сафро ва қон қизишини пасайтиради. Мағзидан олинган ёғ бавосилга қаршн фойда қилади. Аччиқ мағзи ҳушдан кетказади, бунинг учун қустириш керак».

Форсийдан Маҳмуд Ҳасанов таржимаси.

БАХР-АЛ—ҲАВОС ХОСИЯТЛАР ДЕНГИЗИ

...САЛОМАТЛИК-ЧИ?

Н. А. Семашко номидаги саломатликни қайта тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг фикрига қарағанда, иттифоқимизнинг Европа қисмидан салқин ҳаво оқимининг кириб келиши натижасида нафас-ўпка, қон босими, юрак, бўғин хасталигига учраган беморлар ўзларини нохуш сезадилар. Беморлар зарурат туғилса, даволовчи врачнинг маслаҳати билан асаб аъзоларини тинчлантирадиган ва оғриқ қолдирадиган дори-дармонларни қабул қилишлари мумкин.

Об-ҳаво қандай бўлади?

Келгуси ҳафтада республика областларида ҳаво кам булутли бўлиб туради. Ҳафтанинг дастлабки кунларида нисбатан салқин бўлиб, кечаси 7-12, кундузи 24-29, Жанубда кечаси 10-15, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади. Шундан кейин ҳарорат бирмунча кўтарилиб, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида кечаси 18-23, кундузи 31-36 даражага етади.

СЕНТЯБРЬ ОЙНОМАСИ

Сентябрь — кузнинг боши. Бу ой августдан кескин фарқ қилади. Ўтган ой саломатлик нуқтаи назаридан, анча мураккаб кечди. Бу айниқса, қон босими бор, жигар ва ўт пуфаги сурункали огриганларда яққол сезилади. 5 августга қадар кайфиятимиз беқарор бўлиб турди. 4 август — жуда оғир кун эди. Кейин 15 августдан ўзимизни эркинроқ ҳис этдик. Ойнинг иккинчи ярмида ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар юз бериб турди.

Сентябрь саломатлик учун анча қулай, баракали меҳнат қилиш ойи бўлади. Бу ойда шунингдек, дам олиш ва спорт билан шуғулланишга иштиёқ ошади. Ойнинг биринчи ярмида одам ўз ишидан қониқмагандай сезади. Лекин кейинги ўн беш кунда ақлий ва жисмоний қувватлар жунбушга келиб, ғайрат жўшади. 29 сентябрга келганда одам бир оз беҳаловат бўлади.

Одам саломатлиги ойнинг қайси кунларида қандай бўлади? Бу саволга жавоб топиш учун қуйидаги рақамларга бир назар ташланг.

⊙ ҚАЙФИЯТ ВОВИДА. Энг қулай кунлар — 3, 14, 20, 23, 27, 28. Ҳис-ҳаяжон (эмоциональ) ҳолат бекарор кунлар — 2, 7, 10, 12, 13, 18, 21, 23, 26, 30: Турли зиддиятлар кўп бўладиган кунлар — 5, 15, 16, 22, 25, 29.

⊙ ФАОЛЛИК ВОВИДА. Иши ўнгидан келадиган кунлар — 5, 7, 11, 14, 20. Алоқа боғлаш, бир қарорга келишда «машаққатли» кунлар — 2, 15, 16, 18, 22, 25, 30. Эҳтиёткорлик талаб қилинадиган кунлар — 9, 12, 13, 28, 29.

⊙ АҚЛИЙ МЕҲНАТ ВОВИДА. Кўп ва самарали фикрлаш кунлари — 5, 7, 20, 24, 29. Каммаҳсул кунлар — 1, 3 10, 11, 16, 22, 28.

Одам ўзини олдиндан ҳар қандай зиддият ва мураккаб вазиятларга қарши тайёрлаб борса, кунлари енгил ва самарали ўтади, хавф-хатардан йироқ бўлади.

(«Твое здоровье» журналидан).

МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАДА

Бухоро Давлат тарихий меъморчилик музей-қўриқхонасига қарашли Лабиҳовуз ансамбли обидаларидан бирида ўзига хос кўргазма очилди. Маҳаллий халқ усталари ва рассомлари асарларидан иборат кўргазма мухлисларга ёқиб қолди. Кўргазмага қўйилган асарларни танлаш ва баҳолаш мақсадида алоҳида ҳайъат тузилган. Бомон бу ерга келган томошабинлар кўргазмадан истаган буюмларидан бирини ҳарид қилиши мумкин. Кўргазмада эса бадний кулолчилик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик ва рассомчилик асарлари намойиш қилинмоқда. Ҳозирча вобкентлик кулол Қубаро Бобоева, рассомлар Асад Барноев, Музаффар Абдуллаевларнинг асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазмани сотув мухлислар, совет ва чет эл сайёҳларига маъқул тушмоқда.

Н. НАЙМОВ.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Профессорлар: илмий коммунизм ва сиёсий иқтисод, география ва биология (2 — «биология» ва «химия» иқтисосликлари бўйича);

мудирлар: факультетлараро рус тили (педагогика ёки филология фанлари кандидати), мактабни илмий бошқаришни ташкил этиш (педагогика фанлари доктори ёки кандидати), ўзбек адабиёти (филология фанлари доктори ёки кандидати), алгебра ва математика ўқитиш методикаси (физика-математика ёки педагогика фанлари кандидати);

катта ўқитувчилар: рус тили ва адабиёти ўқитиш, методикаси, мактабни илмий бошқаришни ташкил этиш, педагогика ва психология ихтисоси бўйича психология:

ўқитувчилар: тарих (2), совет ҳуқуқи асослари, илмий коммунизм ва «сиёсий иқтисод» ихтисоси бўйича иқтисод — (шу жумладан рус тилида машғулотлар ўтиш учун битта ўрин), фалсафа, рус тили ва адабиёти ўқитиш методикаси (6), ТСО ва «музика» ихтисоси бўйича меҳнат таълим методикаси (2), педагогика ва психология (5 — шу жумладан, 3 киши педагогика бўйича улардан бир ўрин рус тилида ўқитиш учун, 2—психология бўйича), факультетлараро рус тили (3), биология ва биология ихтисоси бўйича география (3), жисмоний тарбия (20), алгебра ва математика ўқитиш методикаси, физика, математика (2), мактабни илмий бошқаришни ташкил этиш, рус тилшунослиги, рус ва чет эл адабиёти.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 740000. Урганч шаҳри, Ҳ. Олимжон кўчаси, 14-уй, илмий секретарга.

●

«ТАШСТРОЙМАТЕРИАЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

600х600 ҳажмидаги **товуш сингдирувчи гипс плиталарни**

СОТАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент области, Оржоникидзе райони, Яланғоч посёлкаси, 2-Яланғоч заводлар бошқармаси.

●

МУБОРАК ТЭЦига

станция сменаларининг бошлиқлари, КТЦ бошлиғи; КТЦ бошлиғининг ўринбосари, ПТО бошлиғи, КТЦ катта машинистлари, навбатчи электро монтёрлар, ЦТАИ навбатчи электр слесарлари

КЕРАК

Ишга кирувчи ходимларга 55 процент район коэффициенти ва авариясиз ишлаганлик учун 60 процентгача мукофот пули тўланади. Етоқхонадан жой берилади, 6 ой мобайнида квартира билан таъминланилади.

Доимий яшаб турган жойидаги уй-жой майдони ТЭЦда (фақат Ўзбекистон ССРда яшовчилар учун) бутун иш даври мобайнида бронлаштирилади.

Адрес: 731000, Ўзбекистон ССР, Қашқадарё области, Муборак шаҳри.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/IX да **Майса.** ранинг иши, 6/IX да **Дунё.** нинг яратилиши, 7/IX да **Князь Игорь.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/IX да **Куёв,** 6/IX да **Корнолан,** 7/IX да **Тақдир эшиги.**

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари олий математика кафедрасининг катта ўқитувчиси Ш. Солиховга отаси

Солиҳ АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги институти молия-кредит факультетининг «СССР Молияси» кафедра аъзолари кафедра доценти И. Исматуллаевга онаси

Руҳия ИСМАТУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. — 11931. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Б. — 202. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12